КУТУБХОНАСИ

O'ZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 50-51 (512-513)

2006-yil 20-dekabr

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 Чиптачилар нега тажанг?

Ўзбек халқи серфарзанд, болажон халқ. Ҳар бир оиланинг ҳеч бўлмаганда иккита фарзанди бор. Ҳозирги шароитда бир оила учун бир неча хилдаги ойлик йўл чиптасини сотиб олишни ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтаравермайди.

4 Америка сувини ичган грузин

Грузия раҳбари табиатан ўз қўл остидагиларга қаттиққўллиги билан танилган. Саакашвили расмий давраларда 1500 АҚШ доллари маошга қаноат қилаётгани, бошқалар ҳам ундан ибрат олишларини кўп бора таъкидлайди.

7 Кўнёда Румий руҳи шод бўлди

2007 йил ҳазрат Жалолиддин Румий таваллудига 800 йил тўлиши муносабати билан ЮНЕСКО томонидан "Халқаро Мавлоно Румий йили" деб эълон қилинган. Бу бутун ислом олами ва Жалолиддин Румий ихлосмандлари учун қувончли ҳодиса бўлди.

8 "Ўзбекистонни севиб қолдим"

Падарим бундан хабардор эдилар. Лекин "Отасига эргашмоқчи бўлибди-ю, эплолмабди" деган иснодли гап чиқиб қолишидан мени асрабми, узоқ вақт ҳофизлигим "сир"ини ҳеч кимга ошкор қилмаганлар.

Жараён

"HURRIYAT" газетасининг илк сони чиққанига ўн йил тўлди. Тўғри, бу жуда катта сана эмас. Лекин у, аввало, янги даврнинг маҳсули, янги даврнинг эҳтиёжи эканлиги билан қадрлидир. Қолаверса, уни мустақиллигимизнинг, янгиланиш ва тоза тафаккурнинг ҳосиласи дейиш мумкин.

Янги давр эҳтиёжи

Исмат ХУДОЁРОВ

"Hurriyat"ни янги давр юзага келтирди. Янгиланаётган жамиятда, онг ва руҳиятимизда унга эҳтиёж пайдо бўлди. Дастлаб, аниқроғи, 1996 йилнинг 8 ноябрида Вазирлар Маҳкамаси "Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасини ташкил этиш тўғрисида" қарор чиқарди. Жамғармани ташкил этишдан мақсад оммавий ахборот воситаларини ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги фаоллигини янада ошириш, сўз эркинлигига бўлган эҳтиёжни қондиришда восита бўлиш, журналистлар бошини қовуштириш, улар учун ижодий муҳит яратишдан иборат эди.

Ва ана шу жараёнда Миллий матбуот маркази, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказининг ташкил этилиши 1996 йилнинг сўнггида ўзбек миллий матбуотида ўзига хос янгиланиш рўй берганлигини англатади. Орадан кўп ўтмай жамғарма муассислигида ижтимоий-сиёсий йўналишдаги илк мустақил газета "Hurriyat" таъсис этилди ва унинг биринчи сони 1996 йил 27 декабрда муштарийлар қўлига етиб борди. Ва яна шуни фахр билан таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз "Hurriyat" мустақил газетасининг пайдо бўлишига ташаббускор ва хайрихоҳ бўлганлар. Ва бу жараён ўша пайтда кенг жамоатчилик ҳамда халқаро кузатувчилар томонидан воқелик сифатида баҳоланди.

"Hurriyat" ўн йил оралиғида росмана газета сифатида шаклана олди: ўз йўли, ўз овози ва ўз ўрнига эга бўлди. Бунда, албатта, унга бош муҳаррирлик қилган Карим Баҳриев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Амирқул Каримов бошлиқ жамоанинг хизматлари беқиёс. Газета ташкил этилганидан буён ўзининг мустақил газета деб аталадиган "титул"ига содиқ қолишга ҳаракат қилди.

"Hurriyat"ни "Hurriyat" қилган унинг жамоатчи муаллифлари ва муштарийлари десак янглишмаймиз. Газетанинг содиқ муаллифлари бор. Улар энг яхши мақолаларини "Hurriyat"га илинадилар. "Hurriyat"боп нарса олиб келдим деб, унинг эшигини бот-бот тақиллатиб турадилар.

Зуҳриддин Исомиддинов, Виктор Алимасов, Абдуқаҳҳор Муталов, Маҳмуд Сатторов, Абдунаби Бойқўзиев, Сурхондарёдан Аннамурод Жумақулиев, Даврон Ғуломов, Сафар Омон, Бухородан Жаҳонгир Исмоилов, Гулбаҳор Ҳусейинова, Сирдарёдан Турсунбек Тўразода, Аҳмадали Шерназаров, Тошкент вилоятидан Ҳамид Норқул, Самарқанддан Фармон Тошев, Адҳам Ҳайитов, Ғайрат Бобоқулов, Жиззахдан Ўрол Ўсаров, Саъдина Бобомуродова, Намангандан Муҳиддин Мирзааҳмад, Абдуғани Абдувалиев, Рисликой Мажнунова, Андижондан Абдураим Назаров... ва яна бу рўйхатни узо-оқ давом эттириш мумкин.

"Hurriyat" мунтазам равишда карикатура бериб борадиган нашрга айланди. Абдурасул Ҳакимов, Баҳром Калонов, Воситхон Осимхонов, Маҳмуд Эшонқулов, Жаҳонгир Мирзо энг яхши карикатураларини "Hurriyat"га олиб келадиган бўлдилар.

Газетада ёшларга катта ўрин ажратилади. Бу ерда улар амалиёт ўташ баробарида қаламларини ҳам чархлаяптилар. Шундай йўл билан бир қанча ёш журналистлар "Hurriyat" мактабида шаклландилар. Газетанинг асосий таркибини ҳамиша ёшлар ташкил этиб келгани ҳам шундан.

"Hurriyat" чинакам муқобил фикрлар майдонига айланди. "Баҳс", "Тарозу", "Мулоҳаза", "Муносабат", "Танқид" "Мактуб", "Жавоб" рукнларида бир мавзу бўйича турли хил фикрлар, қарашларни бериб бориш анъана тусига кирди.

"Hurriyat"ни мустақил газета сифатида бугун хорижда ҳам мунтазам кузатиб боришади, 2006 йилда ташкил этилган ва тезда босма оммавий ахборот воситалари билан тил топиша олган Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди воситасида моддий кўмак, замонавий техника ва ўз веб-сайтига эга бўлди. Натижада унинг ўқувчилари доираси янада кенгайди, газета шакл-шамойили янгиланди. 2007 йилдан бошлаб моддий аҳволи янада яхшиланади, қўшимча штатлар очилади...

Газетанинг кечаги куни ва бугуни ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Аслида, бу ҳақда холис кишиларга навбат берган маъқул. (Дарвоқе, газетамизнинг бу сонида махсус белги остида уларга кенг ўрин ажратилган).

Истиқлолга эришишдан ҳам уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мушкулроқ. Қолаверса, бунга кўҳна тарихдан ҳам жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Замондошларимиз зиммасига ана шундай улкан ва масъулиятли вазифа юкланган. "Hurriyat" улар билан бақамти бўлиб, ютуқларидан қувониб, нуқсонларидан куюниб, кўнглига йўл топиб, ташвишига шерик, фикрдош ва елкадош бўлиб келишга ҳаракат қилмоқда. Дарвоқе, янги давр ундан шуни истаяпти, шуни хоҳлаяпти...

Ўзжиуда

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди. Бошқарув аъзолари дастлаб ижодий уюшманинг ўтаётган 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар. Бу ҳақда Ижодий уюшма раиси Шерзод Ғуломов маъруза қилди.

Кенгаш тузилди

МУХБИРИМИЗ

Ҳисобот маърузаси ва унинг муҳокамасида кўп бор таъкидланганидек, Ижодий уюшма 2006 йил давомида мамлакатимиз журналистларини ижодий руҳлантирадиган ва рағбатлантирадиган қатор танловлар, жойларда бошқа ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликда семинар-тренинглар ўтказишга муваффақ бўлди. Унинг, айниқса, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Электрон ОАВ миллий ассоциацияси билан яқин ҳамкорлиги ва ҳамфикрлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу ўзаро ҳамфикрлик аввало кучларни бирлаштириш, қолаверса, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги журналистларни жалб қила олиш имкониятини пайдо қилмоқда. (Ижодий уюшма бошқаруви раисининг ҳисобот даврига оид мақоласи газетанинг келгуси сонида эълон қилинади). Муҳокамадан сўнг ҳисобот натижалари маъқулланди.

Бошқарув аъзолари Ижодий уюшманинг янги 2007 йил учун тақдим қилган иш режасини муҳокама қилдилар. Иш режасига қатор таклиф ва қўшимчалар киритилди. Уюшманинг 2006 йилдаги молиявий фаолияти ва 2007 йил учун сарф-харажатлар сметасини тасдиқлашга доир масала бошқарув аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди. Ижодий уюшманинг молиявий манба воситаларини пайдо қилиш ва кўпайтириш борасида таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Энг муҳим янгилик шундан иборатки, бошқарув аъзолари Ижодий уюшма қошида Маҳаллий ОАВ билан ишлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши тузиш тўғрисидаги масалани маъқулладилар. Кенгаш раиси ва таркиби тасдиқланди.

Кенгашнинг асосий вазифаларидан бири туман, шаҳар, вилоят, тармоқ ва хусусий нашрларга ҳар томонлама кўмак бериш, муаммоларни ҳамкорликда бартараф этиш ва уларнинг Ижодий уюшма билан алоқаларини янада яхшилашдан иборат.

Бошқарув йиғилиши ҳар жиҳатдан фойдали бўлди дейиш мумкин. Унда қатор йиғилиб қолган муаммоларга ечим изланди, самарали восита ва йўллар таклиф қилинди.

Тадбир

«Келажак овози»

ёшлар иштироки бўйича рекорд ўрнатди

Дурдона АЛИМОВА

Ўтган йили Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида "Келажак овози" Республика иқтидорли ёшлар танлови жорий этилган эди. Деярли барча ижод йўналишларини ўз ичига олувчи бу танловда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидаги 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар иштирок этишлари мумкин. 2005 йилдаги танловда 3187 нафар ёшлар қатнашиб, 40 нафари ғолиб бўлган эди. 2006 йилда эса "Келажак овози" лойиҳасига миллий мақом берилди ва иштирок этувчилар сони 9365 тага етди. Бу эса қизиқувчилар сони ўтган йилдагидан уч баробар кўпайганини кўрсатади. Танлов ўз ичига бугунги ёшлар учун қизиқарли бўлган санъат ва ижтимоий фанларнинг турли йўналишларини қамраб олади. Бу эса ўз навбатида ёш иштирокчиларнинг профессионал ва ижодий қарашлари кенглигини белгилаб беради. Булар ёзувчи, журналист, рассом, иқтисодчи, социолог, психолог, ахборот технологиялари мутахассислари ва бошқалардир. Танлов 6 номинациядан иборат:

1. *"Тасвирий ва амалий санъат"*
2. *"Ахборот ва коммуникация технологиялари"*
3. *"Рационалистик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар"*
4. *"Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа"*
5. *"Бадиий ижод"*
6. *"Меъморчилик ва дизайн"*

Ҳар бир номинация ичида йўналишлар мавжуд.

Танловга ҳужжатлар 1 апрелдан 1 августгача бўлган вақт давомида "Камолот"нинг жойлардаги бўлимларида қабул қилинди. Эътиборли жиҳати, республикамизнинг чекка ҳудудларидаги ёшлар ҳам қатнашиш имкониятига эга бўлдилар. 5 сентябрдан 1 октябрга қадар эса вилоят саралаш босқичи бўлиб ўтди. Ўз асарларини намойиш этиб, республика финалига йўлланма олганлар қимматбаҳо совғалар ва сертификат билан тақдирландилар. Республика босқичи Тошкент шаҳрида ўтказилиб, 18 декабрь куни ўз ишини бошлади. Очилиш маросими, ёшлар акцияси ва пресс-конференциядан сўнг 21 декабрда тантанали тақдирлаш маросими пойтахтнинг "Халқлар дўстлиги" саройида гала-концерт тарзида ўтказилиши кутилмоқда.

Ўтган йилги муваффақиятли натижалардан сўнг "Келажак овози" танловининг жамоатчилик кенгаши ижрочиси ва "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси кўмагида тузилган. Ташкилотчилар, ҳакамлар ҳайъати ва ёшлар бу йилги ҳаракат ҳам самарали натижалар кўрсатишига умид билдирдилар.

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган сурат

Аҳвол

Никоҳ тўйи икки ёш ҳаётидаги энг улуғ маросим. Бироқ кейинги пайтларда никоҳ тўйларининг дабдабали тус олиб, бачканалашиб бораётгани ва ҳатто гоҳида фожеага айланаётгани ташвишли вазиятни юзага келтирмоқда. Тўйлардаги ичкиликбозлик, тартиббузарликлар ҳақида кўп ёзиш мумкин. Ҳисобот билан ҳеч нарса ўзгармайди. Гарчи ичкилик барча иллатлар, барча кулфатлар сабабчиси бўлса-да, мен умуман никоҳ тўйининг бошқа муаммолари ҳақида тўхталмоқчиман. Аввало никоҳ маросими бўладиган кундаги саёҳат ҳақида.

Кимга тўй, кимга...

ёки тўйлардаги тартибсизликлар ва никоҳ одоби ҳақида

Турсун Бек ТЎРАЗОДА

Автомашиналар картэжи шаҳар кўчаларидан узундан узун бўлиб ўтар экан, йўл ҳаракати хавфсизлигини издан чиқаради. Автомобиллар ва йўловчилар қатновига ҳалақит беради. Бу ҳам етмаганидек автосигналлар билан бонг уришиб бутун шаҳар тинчини бузишади. «Тико» автомашинасининг орқасини очиб ўтириб олган видеокамерачи эса бу «оломон»ни тасвирга туширади. 2005 йил Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида шундай маросимнинг бирида хизмат қилаётган видеокамерачи йигит катта тезликда кетаётган «Тико» автомашинасининг олдинги эшигига ўтириб олиб тасвирга тушираётган пайти автоҳалокат рўй бериб ҳалок бўлган эди. Бунақа воқеалар камми? Куёвжўраларнинг қизнинг уйига кириб бораётган пайтидаги бақир-чақирлари-чи? Осмону фалакни ларзага келтиришлари-чи? Бир тўйда куёвга поёндоз солиб, унинг ўтишини кутиб турган ҳомиладор аёлни куёвжўралар суриб босиб кетишган, келинчакнинг сакиз ойлик ҳомиласи нобуд бўлган. Бекободнинг бир қишлоғида эса куёвжўралар поёндозга талашаётган пайтда улардан бири бехосдан овқат қайнаётган дошқозонга тушиб кетган ва оғир жароҳат олиб мажруҳ бўлиб қолган. Манзаранинг энг даҳшатлиси, уй ичида, куёвлар зиёфат қилинадиган хонада рўй беради. Айниқса, ёмғирли, қорли-қировли кунларда тўйнинг эгасига қийин. Йигитлар оёқ кийимларини ечишмай оҳорли кўрпачалар устига чиқиб кетишади. Бу оёқлар, бу туфлилар аввал қаерларни босмаган дейсиз? Шундай оёқ кийим билан атласу бахмал кўрпачаларни янчиб ўтган одамни нима дейиш мумкин? Улар кетганидан кейин уй бекаси ичкарига кирса, бу ерда одам эмас, аллақандай маҳлуқларми, ёввойилар ўтирганга ўхшайди. Гиламлар, кўрпачалар тупроқ, дастурхонга ёғли овқат тўкилган, арақ шишалари ағанаган, ликопчалар тўнтарилган, дарпардага қўлининг мойини артиб, пичоқ билан кўрпачаларни тилиб, чойнакларга суяк тиқиб кетишган. Бу воқеалар барчаси бор гап. Тўқима эмас.

Биласиз, йигит ва қизнинг тақдирлари бирга қўшилаётганини ислом динига мувофиқ ошкор қилиш ва шаърий никоҳни мустаҳкамлаш учун мулла чақирилади. Унинг ҳузурига куёв ҳам, келин ҳам икки нафардан вакиллари билан киритилади. Йигитларда-ку уячалик билинмайди. Аммо қизларнинг вакилаларини кўриб фақат мулла эмас, бошқа кишиларнинг ҳам энсаси қотади. Кийимлари шунақа антиқаки, ёқасиз тикилган кийимдан сийнасининг бир қисми кўриниб туради. Бу кийимда умуман енг ва ёқа йўқ. Бундан бечора мулла ҳижолат чекади. Мени маъзур тутасиз-у, азиз муштарий, ана шундай никоҳ маросимларида келин-куёвнинг фақат европачасига «горка» қилишига оз қоляпти. Тўй бошлангандан кейинги машмаша эса катта бўлади.

Давоми 2-бетда.

Хабар

Фан, фалсафа ва матбуот

Ўзбекистон Миллий университетида ўтган учрашувда мазкур уч ижтимоий институт ўртасидаги муносабатлар таҳлил қилинди

Матлуба ЁҚУБОВА,
ЎзМУ магистранти

Ўзбекистон Миллий университетида таниқли шоир, "Туркистон" газетаси бош муҳаррири Салим Ашур билан учрашув бўлиб ўтди. Одатда ижодкорлар, хусусан, шоирлар билан бўладиган мулоқотлар шеърий кечаларга айланиб кетади. Бироқ Миллий университетнинг магистратура босқичи талабалари иштирокида ўтган бу галги тадбир ҳар сафаргидан бироз ўзгача руҳда ўтди.

Учрашув фаннинг фалсафий масалалари ўқув предмети доирасида ташкил этилган эди. ЎзМУ доценти, фаннинг фалсафий масалалари ўқув предмети ўқитувчиси Шодмон Азизов ўз чиқишида ижодий учрашув фан, фалсафа ва матбуот мавзусида ўтишини билдирди. Шу тариқа тадбир меҳмони Салим Ашур ва талабалар ўртасида очиқ ва эркин мулоқот бошланиб кетди.

Айни пайтда мамлакатимиз олий ўқув юртларида магистратура босқичи талабаларига фаннинг фалсафий масалалари ўқув предмети ўқитилмоқда. Ушбу предмет ҳозирги замон фани олдида турган муҳим назарий муаммолар, дунёнинг бугунги илмий манзараси хусусида атрофлича маълумот беради. Бу жиҳатдан мазкур предмет фан оламига эндигина чуқур кириб бораётган ёш тадқиқотчилар — магистратура талабаларининг илмий изланишларида муҳим аҳамият касб этади.

Ижодий учрашувда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган уч ижтимоий институт — фан, фалсафа ва журналистика ўртасидаги мураккаб муносабатлар таҳлил қилинди. Шу билан бирга талабалар адабиёт, шеърият мавзусида ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам жавоб олишди. Тадбир меҳмони Салим Ашур иштирокчиларга ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди. Ижодий кечага санъаткорларнинг чиқишлари файз бағишлади.

Меъёр — биз учун мезон эди

БУНДАН ўн йил муқаддам миллий матбуотимизга "Hurriyat" мустақил газетасининг кириб келишидан тортиб ҳозирга қадар соҳамизда юз берган ўзгаришларни бир қур кўз ўнгимиздан ўтказсак, ҳар қандай ислоҳот ва янгиланиш жараёни босқичма-босқич кечишида нақадар катта ҳикмат борлигини яққол кўриш мумкин. "Hurriyat" ва мустақил газета деган сўзлар моҳиятидаги ҳурлик, мустақиллик туйғусининг ўзиёқ кишига ўзгача куч-ғайрат, ўзгача жўшқинлик ато этади. Зеро, журналист учун мазкур сўзлардан кўра тотлироқ, завқлироқ, қадрлироқ тушунчанинг ўзи йўқ.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси

Энди-энди мулоҳаза юритиб кўрсам, ўша кезларда бу каби жозибадор тушунчаларни бирёқлама тушуниш, ҳурликни ва мустақилликни мутлақлаштириш кайфияти устунроқ экан. Бундай кайфиятдагилар ҳамон учраб туради, лекин масаланинг нозик жойи шундаки, бош муҳаррир истайдими-йўқми, у ёки бу қарашларга қўшиладими-қўшилмайдими, газетада ёритишга мажбур. Унинг бош вазифаси чоп этилаётган фикр-мулоҳазаларнинг одоб ва қонун доирасида, айниқса, бошқаларнинг иззат-нафсига, қадр-қимматига оғир ботмайдиган шаклларда ифода этилаётганини тартибга солиб туриш. Айтмоқчиманки, энг жиддий ва салмоқли гапни ҳам маданият доирасида, қаловини топиб, ўрни келса, мутойиба тарзида айтиш мумкин. "Hurriyat"да биз фаолият юритган 1997 йилнинг февралидан 2002 йилнинг мартига довур чиққан сонлари синчиклаб варақланса, бу ҳақиқатга амин бўлиш қийин эмас.

Бизни энг қийнаган муаммо газета теварагида муаллифлар доирасини кенгайтириш бўлган. Умуман бу ҳозирда ҳам ҳар қандай нашрнинг нозик муаммоларидан бўлиб қолмоқда. Бунинг биринчи сабаби оммавий ахборот воситаларининг сони кўпайгандан кўпайди, иккинчиси, ҳар бир газета ё журнал шундайига ҳам торайиб бораётган ўз ўқувчилари доирасини аниқлаштириб олиши қийин кечаётганига яраша фаол муаллифлари сафини шакллантириши ҳам чўзилиб кетмоқда. Аслида ҳам бу жараённи оқилона бошқариш ҳамиша қийин кечади.

Таҳририятга муаллифни ким жалб этади? Табиий, таҳририят ходими. Афсуски, бу борада ҳам матбуотчилигимизда муаммолар етарли. Газетада бош муҳаррир сифатида фаолият юрита бошлаган кезларимни эсласам, юрагим ортга тортиб кетади баъзан: ишонасизми, газета эртага тўрт саҳифада чиқиши керак бўлгани ҳолда йиғилган ва талабимизга жавоб бера оладиган материал бор-йўғи икки саҳифани қоплайди, холос! Кимга рўпара келсам, ким қўнғироқ қилса, битта мақола сўрайман, тағин яхши, тишли-тирноқли мақола бўлсин, деб талаб ҳам қўяман. "Фалон мавзуда ёзсам бўладими?" деб сўраганлар қанча, мавзусини келишиб қўйиб ҳали-ҳали ўша мавзуда қўлига қалам тутмаганлар қанча!.. Қанақа ёзувчисан, қанақа журналистсан, қанақа публицистсанки, фалон мавзуда ёзсам бўладими-бўлмайдими деб сўраб, мижғовланиб ўтирсанг?! Дилингда дарding, тилингда айтадиган гапинг борми — ўхшатиб ёз, қандингни ур, вассалом-да! Тажрибали қаламкашларни таҳририятга тортиш қийин кечди, важсабаби турлича, албатта, аммо-лекин "Hurriyat"га, унинг мустақиллигига, ҳатто бундан кейин мунтазам чиқиб туришига ишонмаганлар бўлди. Биз таҳририятга ўзига, миллий матбуотчилигимизга, ҳур сўз айтиш машаққатларидан қўлига қалам тутишга чўчимайдиган ёшларни ишга олдик. "Темур тузуклари"да келадиган "диёнатли, қалами тўғри хабарнависларни ёлладим" деган гапни ўзимизга шиор қилиб олдик. Норали Очилов, Абдуқаюм Йўлдошев, Турсунали Акбаров, Нуриддин Исмоилов, Собиржон Ёқубов, Зокиржон Алибеков, Абдураҳмон Ташанов, вилоят мухбирлар сифатида жавлон урган сурхондарёлик Даврон Орипов, Ҳолиқ Хурсандов, фарғоналик Маъмуржон Мусулмонов, самарқандлик Тошпўлат Раҳматуллаев, Убайдулла Хўжаниёзов... буларнинг бир қанчалари таниқли адиб ва драматург, муҳаррир, етук журналист, қалами ўткир мақоланавис сифатида бугунги кун матбуотимиз жамоатчилиги орасида танилиб улгуришди.

"Hurriyat" газетаси ўша даврдаги цензура назоратидан мутлақо ҳоли десам ишонқирамай қарайдиганлар бўлар эди, биз эса: "Меъёр — биз учун энг асосий цензура!" деган гапни такрорлашдан чарчамасдик. Ва ёруғ юз билан айта оламанки, меъёрни сақлаган ҳолда ҳам газетамизнинг бирорта сони танқидий, таҳлилий мақоласиз чиқмаган, жамиятдаги носозликлар ҳақида, газетхонларимизнинг дилидаги орзу-ниятлар ҳақида кўп ёзганмиз. Шуларга яраша олқишлар олдик, танбеҳлардан ҳам четда қолмадик, бир қанча чиқишлар эвазига судма-суд юриб, муҳокамаларга ҳам тушдик. Хуллас, дастлабки 5 йил "Hurriyat" учун оёққа туриш, шаклланиш ва ўз йўли-йўналишини топиб олиш даврига айланди. Шунинг баробарида журналист маҳорати масалаларини унутмадик, ўзимизга билдирилган ҳар қандай танқидий мулоҳазаларни жон қулоғимиз билан эшитдик. Мисол учун фақат бизнинг газетада ўз-ўзини танқид остига олувчи рукн бор эди, бинобарин газетамиз шаънига келадиган ёки билдирилган танқидий мулоҳазалар кечиктирилмай "Hurriyat"ни танқид" рукни остида эълон қилинар эди.

БИР СЎЗ билан айтганда, бугун ўзининг 10 йиллигини нишонлаётган "Hurriyat" миллий матбуотимизда ўз ўрни, овози, мавқеига эга, шу газетанинг оёққа туришига озми-кўпми ҳисса қўшган журналист сифатида "Hurriyat"ни "Hurriyat"чиларни ўзимизнинг қадрдонларимиз деб ҳис қиламиз! "Hurriyat" энг улуғ орзулардаги ҳурлик ва мустақиллик йўлида курашдан асло толмаслигига ишонамиз!

Кимга тўй, кимга...

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Овоз кучайтиргич баланд қилиб қўйилган, гапни гапга қўшмайди. Куёвжўралар ичиб олган, ҳаммасининг лабида сигарет...

Атроф бурсуқиб тутаб кетган. Ўртакаш ваъз ўқийди. Микрафонни куёвжўрага беради. Йигитнинг гули табрикни Одам ато билан Момо ҳавонинг қандай пайдо бўлганидан бошлайди. Кейин берилиб шеър ўқийди, нима эмиш:

Қўлимда кўк дафтар,
Осмонда оқ каптар
Севсанг агар ёрингни
Юз граммдан кўп қайтар.

Ёки

Гул, гул, гул дедим,
Куёв шўрликни кул дедим.
Эплолмасанг ёрингни,
Шу ёрингни қўй дедим.

Куёвжўра эсон-омон табрикни тугатганидан кейин, столда ўтирган дўстлари бақириб, унга тасаннолар ўқишади. Келин-кўёвнинг бошидан пул сочишади. Тасаввур қилинг, эркаклар бир-бири билан ўпиша кетадилар. Бу ҳам майли. Кейин ҳамманинг олдида ароқни ичиб, кўнгиллари эриб кетадими-эй, газакига бир-бирининг лабидан ўпиб қўйиш ҳам одатга айланди. Қисқа туташув қилиб олган йигитлар қилган ишларидан мағрурланиб кетиб, илондек чинқириб ҳам қўйишади. Атрофда ўтирган меҳмонларга бу манзара қандай туюлар экан, буни ўзингиз яхши ҳис қиласиз. Энг ачинарлиси, тўйда бўлаётган маймунавоз қилиқларни мактаб ўқувчилари, жажжи қизалоқлар, мурғак болалар ҳам кўришади. Энди, уларни тўйга келиши ўзи тўғрими? Яна сўз олиб келин куёвни ишқий шеърлар билан табриклаб ҳам қўйишади.

Микрафонни ушладим,
Қизил олма тишладим.
Сўз тополмай поччамга
Лабларимни тишладим.

Чимилдиққа кирсангиз,
Келинойимни пойламанг.
Шахмат ўйнаб тонггача
Янгаларни қийнаманг.

Тўйнинг охирига келганда, даврага маҳалла оқсоқоли чиқади, тўйни ёпади. У кетганидан кейин куёвжўралар зўр бериб тўйни чўзишга ҳаракат қилишади. Хонандаю созандалар нарсаларини йиғиштиришга тушишади. Маст-аласт куёвжўралар санъаткорларни коптоқ қилишади. Шу ерда жанжал бошланади. Келинни ўйнатишади. Куёвни осмонга отиб, илиб олишади. Бир тўйда ана шундай олиб отишда куёв ерга тушиб умуртқаси синиб кетганини биламан. Тўғри, урф-одатларимизни ҳаммамиз ҳурмат қилишимиз керак. Лекин уни мазах қилишга, атрофдагиларга озор беришга маънавий хаққимиз йўқ. Тўйларни, маросимларни ихчамлаштириш, тартибга солиш хусусида ҳукуматимизнинг ўз вақтида қабул қилган қарор ва фармонлари мавжуд бўлишига қарамай, айрим жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органи ходимлари маъсулиятдан четда туришибди. Тўйлардаги пичоқбозликлар, муштлашиш каби майда-чуйда безориликлар ва айни пайтда никоҳ маросимида рўй бериб турадиган ташвишли воқеалар ҳақида кўпчилик яхши билади. Бу янгилик эмас. Тўғрисини айтиш керак, кейинги пайтларда одамлар тўйлардан безиб қолишди. Дастурхонга ароқ қўймаса, тўйнинг эгаси маломатга қолади. Қўйса, боши балога қолиб эртаси куни милицияга ҳисобот беради. Бир қишлоқда ҳажга бориб келган отахон невара тўйига наҳорда ош берди. Дастурхонга ароқ қўймади. Кечки никоҳ базмида ҳам шундай бўлди. Тўй мусулмонча бўлиб ўтди. Неварасининг куёвжўралари аччиқ қилиб, куёвни ташлаб кетиб қолишди. Бу мантиққа сиғмайдиган одат.

Никоҳ тўйлари ҳақида гап кетар экан, тўйларда ўйнайвериб раққосга айланиб кетган эркаклар ҳақида ҳам бир нарса дейин. Бу тоифа йигитлар тутун чиққан жойдан қолмайдилар. Ҳаммадан олдин бориб, ёғли столни эгаллаб олишади-да, тўй қизғин паллага кирганда шох ташлаб рақсга тушишади. Бу раққослар деярли барча тўйларга бориб, аввал қоринларини тўйғизадилар, кейин ўйнаб масза қилишади Тўйнинг эгаси азоб-уқубат билан топган тутганини бир соатда шип-шийдам қилиб, раҳматнинг ўрнига «боплаб» кетишади. Маҳтумқулининг бир сўзи бор: «Миннатли ош аччиқ бўлар заҳардан». Мезбоннинг саховатини, дастурхонга қўйган нозу неъматини хуш билиб, баҳоли қудрат баҳам кўриб, ёшларга ширин каломлар айтиб, иззат-ҳурмат бор пайти туриб кетилса, тўйларда маъно, қут-барака бўлади. Ижарага олинган стол-стулларни, идиш-товоқларни синдириб кетиш, бу инсофдан эмас. Дастурхондаги нонни ароқ, сигарет қолдиқларию олма пўчоқларига қориштириб, қўлининг мойини дастурхонга артиб, сочиқ билан оёқ кийимни тозалаш билан тўй эгасига раҳмат айтиб бўлмайди. Бу иллатларнинг барчаси миллат шаънига асорат ва андуҳ келтирувчи нокас одатлардир. Ҳар бир мусулмон бандасининг орзу-ҳаваси бор. Бировнинг орзу-ҳавасини муҳокама қилишга ёки ҳамёнини ҳисоблашга ҳаққимиз йўқ. Пул уники. Лекин орзу-ҳавасни «мусобақа», лимузин, турнақатор машиналар, юзлаб ароқ шишаси билан ўлчаб бўлмайди. Мен буни бир мисол билан ифода қилмоқчиман. Жанубий Кореяга бориб келган бир дўстим укасини уйлантирганда бир ажойиб нарсанинг шоҳиди бўлдим. Тўйда юз кишига мўлжалланган жой қилинган. Дастурхон бир хил. Табақага ажратилмаган. Ҳар хил тоифа, турли амал, турфа вазифадаги меҳмонлар келиб, кўпи билан ярим соат ўтириб, маданият билан туриб кетишяпти. Шуниси қизиққи, кейин билсам, тўйга 300 киши таклиф қилинган экан. Лекин улар ҳар хил вақтда келишди. Шу йўсинда тўй кечгача давом этди. Дастурхонга спиртли ичимлик жуда кам қўйилди. Исрофгарчилик умуман сезилмади. Тўрт нафар куёвжўра, тўрт нафар келин дугона ўтирибди. Бақир-чақир, тартибсизлик бўлмади. Аксинча, куёвжўралар тўй соҳибига чиройли хизматлар қилиб, ёрдам бериб туришди. Бу мисол тўйларимизнинг барчаси ҳам юқорида айтилган қиёфада бўлиб ўтади демоқчи эмаслигимнинг бир исботи эди. Яхши тўйлар, мароқли маросимларимиз жуда кўп. Энг қувонарлиси, тўй тўқлик ва фаравонлик белгиси, тинчлик-тотувлик элчисидир. Юртимизда тўйлар бўляптими, демак, турмушимиз ёмон эмас. Қиссадан ҳисса шулки, тўйларимиз ҳам шунга яраша бўлсин.

Муносабат

Чиптачилар нега тажанг?

Баҳодир ХОЛМАТОВ,
ЎзМУ талабаси

Жамоат транспортларига чиққанда эътибор берган бўлсангиз керак: ҳайдовчилар, чиптачилар йўловчи фуқароларни, аниқроғи, ойлик йўл чиптаси бор талабаларни кўрганларида нигоҳлари ўзгариб, ўзгача бир тусга кирадилар. Ўз навбатида уларга қўпол муносабатда бўладилар, натижада йўловчи кун давомида тушкун кайфият ва бир қатор кўнгилсизликларнинг бевосита сабабчисига айланиб қоладилар. Энг ачинарлиси, бошланғич синф ўқувчиларининг автобус, трамвай, троллейбуслардан зўрлик билан тушириб юборилишини, ҳақоратланишини кўрганда кўнглингиз ранжиши турган гап.

Ўзбек халқи серфарзанд, болажон халқ. Ҳар бир оиланинг ҳеч бўлмаганда иккита фарзанди бор. Ҳозирги шароитда бир оила учун бир неча хилдаги ойлик йўл чиптасини сотиб олишни ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтаравермайди. Шунинг учун болаларни қўрқитмай, уларга хушмуомалалик билан тушунтирилса, мақсадга мувофиқ бўлармили? Шунда ёш болалар қўрқиб, беркиниб юрмасдан ўз вақтида дарсларига кечикмай борар эдилар. Натижада, кўпгина йўл транспорти ҳодисаларининг ҳам олди олинармиди...

Куни кеча дарсдан қайтаётганимда автобусдаги ҳолатни кўриб кўнглим ранжиди. Аввалари автобус ҳайдовчиларининг ҳамда чиптачиларининг йўловчиларга нисбатан ҳақоратомуз сўзларни эшитавериб кўникиб ҳам қолган эдим. Автобус бир бекатга бориб тўхтади. Бир неча кишилар чиқишди. Уларнинг орасида ўрта ёшли бир ақли заифроқ кўринган киши ҳам чиқди. Буни чиптачи сезди, шекилли, дарҳол унинг асабига тега бошлади. Автобуснинг ичидаги йўловчиларнинг барчаси бу ҳолатни кузатиб турарди. Бироқ ҳеч ким лом-мим демади. Чиптачи у ёқ-бу ёққа ўтиб у кишини турткилайверди. Йўловчиларнинг ичидаги ёши катталар ҳам бу вазиятни кўриб, бефарқ қараб турдилар. Ҳеч бири чиптачининг бу иши хато эканлигини айтишга ўзларида журъат топа олмадилар ёки менга нима қабилида бепарво қараб туравердилар. Шу онда автобус кейинги бекатда тўхтаган ҳам эдики, ўша киши уялганиданми ёки хўрлиги келибми, билмадим, дарҳол тушиб қолди. Чиптачига бу ҳам етмаганидек орқасидан бақириб сўкиши ортиқча эди.

Бу ҳолатни кўриб бир оз ўйга толдим. Ахир, ҳар бир инсон дунёга келар экан, ўзидан кейинги келажак авлодга эзгу ишлар қилиб, ўзидан яхши ном қолдиргиси келади. Ҳеч бир инсон ногирон ёки ақли заиф бўлиб, одамлар орасида бошлари эгик бўлишини хоҳламайди-ку ахир. Улар ҳам бир ота-онанинг не-не орзу-умидлари билан дунёга келтирган фарзандлари-ку. Ҳеч қачон ота-она ўз фарзандини носоғлом туғилишини истамайди. Аслида, биз бир-биримизга ёрдам қўлимизни чўзиб яшашимиз, кексаларни, ёшларни ва кўнгли ярим кишиларни авайлашимиз билан инсонмиз. Буларсиз инсон номига лойиқ бўлоламизми?



«Hurriyat» газетаси ижодий жамоаси

Холис фикр минбари

«Ҳуррият» газетаси саҳифаларида хилма-хил фикрларга кенг ўрин ажратилишини газетанинг катта ютуғи сифатида эътироф этиш керак. Бу матбуотнинг оммавий ахборот воситаси сифатидаги энг муҳим хусусиятларидан бири. Фикрлар хилма-хиллиги азалдан адолат мезонларининг қарор топишига, жамиятда эса фаровонлик ва тараққиётни таъминлашга хизмат қилиб келган.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
"Адолат" газетаси Бош муҳаррири

Газетанинг илк сонлари билан танишганимиздаёқ (биз ўша вақтлари талаба эдик, дарсда ҳам, ётоқхонада ҳам) чоп этилган таҳлилий-танқидий, фалсафий мақолаларни зўр иштиёқ билан ўқирдик. Мақолаларнинг муайян воқеа, мазмун ва мантиққа асосланганлиги эътиборимизни тортарди. Биз учун энг муҳими янги фикр, ҳали ҳеч қаерда айтилмаган гапни топиш эди. Чоп этилган танқидий-таҳлилий мақолалар ўзига хос мунозара ва муносабатларга сабаб бўлардики, бу ҳам мухлислар орасида газетанинг мавқеини ошириб, уни холис фикрлар минбарига айлантирган.

Эсимда бор, мухлислардан бири келиб, газетанинг "Овоза" рукнида берилаётган гапларнинг ўзиёқ саҳифани қизиқарли қилиб юборади, деганди. Газетада бундай рукнлар анчагина бўлиб, ҳар бири маълум ижтимоий воқеликка йўналтирилган эди.

Кейинчалик газета таҳририятида ишлаш менга ҳам насиб этди. Газетани тайёрлаш жараёни қанча машаққатли бўлса ҳам, унинг қандай ўтганини билмай қолардик. Эртаси куни газетани қўлга олиб, қайтадан ўқиб чиқардик, мақолаларни яна бир марта муҳокама қилардик. Ўйлаб кўрсам, ўша пайтлари таҳририятда асосан ёшлар ишлаган экан. Бош муҳаррир ўринбосаридан тортиб, мусаҳҳиҳгача.

Иқтисодий мавзудаги мақолаларимни ўқиб, бош муҳаррирimiz, келинг, масалага бироз эркинроқ ёндашайлик, масалан, иқтисодиётни у деб, бу деб, турли терминларни қўшиб ёзавермасдан, халқона тилда ёзиб кўрайлик-чи, деб қолдилар. Навбатдаги сонга у кишининг тавсиялари билан айтилган мақолани тайёрлаб бердим. Мавзу пулни қандай топиш, сарфлаш ва унинг ҳаётдаги ўрни ҳақида эди. Мақолани пишитдик ва у газетада чоп этилди. Қарабсизки, шундан кейин кўп вақтгача пул ҳақидаги туркум мақолалар чиқиб турди.

"Ҳуррият"да ишлаб юрган пайтларимда хотирамда муҳрланиб қолган, энг муҳими, ҳозирги фаолиятимда ҳам асқотаётган ижодий жараёнлар, тажрибалар талайгина.

Бугун газетанинг 10 йиллик тўйи арафасида таҳририят ижодий ходимларига мустаҳкам соғлиқ, ижодий фаоллик тилаб қоламан.

Собиқ «Hurriyat»чилар



Карим БАҲРИЕВ — Хуршид ДЎСТМУҲАММАД — Амиркул КАРИМОВ — Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ — Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ — Норали ОЧИЛОВ — Турсунали АКБАРОВ

«Hurriyat»нинг ўн йиллик тарихи давомида таҳририятда яна кўплаб қалами ўткир, суҳани кескир журналистлар ижод қилишди. Газетанинг ўқувчилар қалбига кириб боришига баҳоли қудрат ўз улушини қўшган бошқа ҳамкасбларга ҳам самимий эҳтиромимизни билдириб қоламиз. Афсуски, газета учун жон куйдирган барча ҳамкасбларнинг суратларини бериш имкони бўлмади...

TURON BANK

Акциядорлик тижорат «ТУРОН БАНК»



Азиз юртдошлар!
Банкимиз акциядорлари ва мижозлари!

Акциядорлик тижорат «Турон банк» Кенгаши ва Бошқаруви Сизларни кириб келаётган Янги 2007 йил билан табриклайди.





Янги 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йилида барча орзу-ниятларингиз рўёбга чиқсин ва ҳаётингиз фаровонликка тўлсин.



Буларни 2007 йилда амалга оширишда Сизга «Туронбанк» ҳамроҳдир!

«Туронбанк» Сизга замонавий тўлов ва қулай жамғариш воситаси — пластик карточкаларни таклиф қилади.

Пластик карточка билан Сиз кундалик тўловларни, маблағларингизни ўғирланишидан кафолатланган ҳолатда амалга оширишингиз мумкин.



«Туронбанк» пластик карточкалардаги маблағларни Ўзбекистон Республикаси банк омонатлари кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланган.

Пластик карточкангизга доир маълумотларни сир сақланишига банк кафолат беради.

«Турон банк» Сиз билан, Сиз учун!

Нигоҳ

Михаил СААКАШВИЛИ:

Америка сувини ичган грузин

Грузиянинг замонавий тарихида Михаил Саакашвили номи алоҳида саҳифада қайд этилиши шубҳасиз. Бунинг боиси, бутун собиқ Иттифоқ мамлакатларига ёйилган инқилоб тўлқинини бошлаб берган сиёсатчи мўъжазгина Грузин давлатини дунёга машҳур қилиб юборди.

«Грузия давлатига янгиланиш ва ислоҳотлар керак» шиори билан майдонга чиққан Саакашвили қаршисида собиқ СССР давлатида жуда катта нуфуз қозонган, юқори даврларда "кулранг тулки" лақаби билан танилган Эдуард Шевернадзе турарди. Бироқ ҳали 40 ни ҳам қораламаган етакчи Шевернадзе каби улкан фигурани йиқита олди ва ўз мамлакати Ғарб мамлакатлари, хусусан, АҚШ томон юз буриши, азалий ҳамкор Россиядан воз кечишини эълон қилди...

Собиржон ЁҚУБОВ

Михаил Саакашвили 1967 йилнинг 21 декабрида Грузия пойтахти Тбилисида дунёга келди. Саакашвилининг таржимаи ҳолида фақатгина таваллуд маскани сифатида Грузия ёдга олинади. Президентнинг ўсмирлик, йигитлик, талабалик ва ҳатто дастабки иш фаолият даври ҳам хорижда ўтган.

Грузиянинг бўлажак раҳбари олий маълумотни Украинада — Киев халқаро алоқалар институтида олди. Институтдаги таҳсил даврида Америка Конгресси стипендиясига сазовор бўлган Саакашвили океанорти мамлакатидаги нуфузли олийгоҳлардан бири Колумбия университетида ўқиш имкониятини қўлга киритди. Шу ерда дастлаб магистрлик илмий даражасини олган Саакашвилининг келгуси ҳаётида АҚШ катта ўрин тутди. У пайтларда бўлажак президент келажакдаги фаолияти, ҳатто давлат раҳбарлик карьераси ҳам Вашингтонга боғлиқ бўлишини ҳали билмасди, албатта...

Ғарбона яшаш тарзига ва Америка ҳавосига анчайин кўниккан тбилисилик йигит илм қилишга аҳд қилди. Ҳаракатлар самара бериб, Михаил Саакашвили Жорж Вашингтон номидаги университетда докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шу билан грузиялик толиби илмга жаҳоннинг барча дарвозалари очилди. Чунки у докторлик даражасини олган университет дунёнинг манаман деган олимлари, сиёсатчию иқтисодчилари, арбобу президентлари ўқиган олийгоҳ эди.

Бу орада табиатан тиришқоқ ва илмга чанқоқ бўлган Саакашвили Франциянинг Страсбург шаҳрида жойлашган инсон ҳуқуқлари институтини ҳам тамомлади.

Михаил Саакашвили иш фаолиятини Нью-Йоркдаги адвокатлик фирмаларидан бошлади. Кейинроқ Норвегиядаги инсон ҳуқуқлари институтида хизматни давом эттирди.

1995 йили Михаил Саакашвили Грузия президенти Эдуард Шевернадзенинг таклифи билан ватанига қайтди. Ўз атрофига иқтидорли ва билимли ёшларни йиғаётган президент Саакашвилининг салоҳиятига тўғри баҳо берди. Бироқ Америка, Франция тупроғини ялаган ва демократия ватани сувини ичган йигит бир кун келиб азим чинор — Шевернадзени-да йиқитиши кекса арбобнинг хаёли кўчасига ҳам келмаганди...

Саакашвили шу йилнинг ўзида Грузия парламенти депутатлигига сайланди. Қонун чиқарувчи идоранинг Конституция ва қонунчилик масалалари қўмитасига раис бўлган пайтда бўлажак раҳбар эндигина 28 ни қоралаганди. Ўша пайтдаёқ Грузия раҳбарияти таркибида камдан кам учрайдиган — бир неча хорижий тилларни биладиган, чет элда кўп вақт яшаб келган тбилисилик анча узоқларга боришини кўпчилик башорат қилганди.

2000 йили Шевернадзе Михаил Саакашвилини адлия вазири лавозимига тайинлади. Янги ғоя, янги қарашлар билан келган ёш арбоб вазирлик вазифасида бир йил ҳам ўтирмади. 2001 йилнинг сентябрида Саакашвили Шевернадзе ҳукуматини порахўрлик ва коррупцияда айблаб ўз ихтиёри билан истеъфога чиқди. Катта авлод арбоблар Саакашвилининг шарттакилигини ёшлик ва ғўрлигидан деб ўйлашди. Бироқ "ёш, тажрибасиз ва ғўр" деб айбланган Саакашвили жуда узоқни кўзлагани кейинроқ маълум бўлди. Вазирликдан кетиб яна депутат сифатида сайланган арбоб 2002 йилдаёқ Грузия парламенти раислигини эгаллади.

Михаил Саакашвили мамлакат қонунчилик мажлиси раиси сифатида ишни амалдаги президент Шевернадзега қарши кураш эълон қилишдан бошлади. Шу тариқа кейинроқ "атиргуллар инқилоби" номи билан тарихга кирадиган, Шевернадзени ўз ихтиёри билан президентликдан воз кечишига сабаб бўладиган катта сиёсий ўйинлар бошланди. Украина, Қирғизистондаги рангли қўзғолонларга илҳом берган Грузия атиргуллар инқилобига Америка тарбиясини олган грузин етакчилик қилди. Шу тариқа Вашинтон университетининг доктори, Страсбург халқаро институти битирувчиси ва яна бир қатор номдор унвонлар соҳиби бўлган 36 ёшли Михаил Саакашвили Грузия президентлигига сайланди. Унга грузин халқининг 95 фоизи ишонч билдирди.

Дунёнинг энг ёш президентларидан бири бўлган Михаил Саакашвили ташқи сиёсатда Европа давлатлари ва Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорликка асосий эътибор қаратади. Бу жиҳатдан Грузия раҳбари сиёсий тўнтариш жараёнида, кейинроқ сайлов пайтида унга катта кўмак берган океанорти давлати ҳомийлигини унутмаганини намойиш қилади.

Саакашвили ҳукумати Вашингтон томонидан яхшигина қўллаб-қувватланиши маълум. Дастлабки даврларда Грузия ҳукумати вазирлари, ҳатто президентнинг ўзига ҳам Америка миллиардерлари ойлик маош тўлаб тургани ҳам буни тасдиқлайди.

Грузиянинг янги раҳбари табиатан ўз қўл остидаги вазир ва раҳбарларга қаттиққўллиги, талабчанлиги билан танилган. Саакашвили расмий давраларда 1500 АҚШ доллари маошга қаноат қилаётгани, бошқалар ҳам ундан ибрат олишларини кўп бора таъкидлайди. Арбоблар учун таниш-билишчилик ва маҳаллийчилик қатъий ман этилган. Порага қўл урганлар эса биринчи бўлиб жазога тортилади.

Ёш етакчида қадимги Шарқ ҳукмдорларига хос хислатлардан ҳам йўқ эмас. Президент тунда кутилмаганда ҳуқуқтартибот идоралари ходимларининг зийраклигини синаш учун қадам ранжида қилиши мумкин. Грузия раҳбарининг исталган вақтда, огоҳлантиришсиз вазирлар ва бошқа арбоблар идорасида ҳозир бўлиши ҳам одатга айланган.

Яқиндагина рўй берган яна бир воқеа: ҳукумат йиғини кетаётган бир пайтда Саакашвилининг ишораси билан мажлисга бир неча шиша вино олиб кирилди. Маълум бўлишича, бу грузин виноси сифатида Европада сотилаётган, аслида эса бошқа давлатларда тайёрланган ичимлик экан. Грузия миллий ифтихори бўлган ичимликнинг сохталаштирилгани ва бундан вазирларнинг ҳаттоки бехабарлиги Саакашвилини ғазаблантирди. Президент бунга жазо сифатида бош вазир ва вазирларга сохта грузин виносини мажбурлаб ичирди... Хуллас, Михаил Саакашвили билан ишлаётган раҳбарларга осон тутиб бўлмайди.

Оташин нутқлари, эҳтиросларга тўла чиқишлари билан танилган Саакашвили ғарбона ривожланиш йўлини жиддий тартибда танлаган кўринади. Ўз мамлакатини Шимолий Атлантика ҳарбий иттифоқи (НАТО)га аъзо қилишга аҳд қилган президент яқинда кутилмаган баёнот билан чиқди: Грузия Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан чиқиши мумкин! Бу Грузия етакчисига нисбатан "Американинг куёви", "американинг грузин" тарзида ишлатилаётган киноявий таърифларни тасдиқлаётгандек.

Бунинг устига охирги пайтларда Грузияда амалдаги президентга қарши кайфият тобора кучайиб бормоқда. Саакашвили катта ваъдалар билан президентлик вазифасига киришганига ҳам икки йил бўлди. Бироқ ўтган давр мобайнида мамлакат иқтисодий ҳаётида сезиларли ижобий ўзгариш рўй бермади. Бу эса Америкада таҳсил олган ёш етакчига катта ишонч билдирган грузияликлар ҳафсаласини пир қилаёзди.

Ўтган ойлар давомида пойтахт Тбилисида бир неча бор ўтказилган ва минглаб фуқаролар иштирок этган норозилик чиқишлари бир пайтлардаги Шевернадзе истеъфосини талаб қилиб чиққан намойишларни ёдга солди...

"Hurriyat" газетаси ўзбек матбуотига бўрон куши бўлиб кириб келди. У Мустақил Ўзбекистон мамлакатининг биринчи Мустақил газетаси эди ва тетапоя қилишга ҳам улгурмай, туғилиши биланоқ чопқиллаб юра бошлади. Чунки 70 йил биқиқликда диққинафас бўлиб юраги сиқилган эркин сўз тоза ҳаводан нафас олиши билан яйраб кетган эди-да!

Самимият, адолат, ҳақиқат

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
"Халқ сўзи"нинг ҳуқуқий масалалар бўйича шарҳловчиси

Ҳа, унинг дастлабки сонлари қўлма-қўл ўтиб ўқилди, сабаби, маънавий ҳаётдаги долзарб, оғриқ мавзуларни дадил кўтариб чиқаётган эди. Аслида, бу мақолалар эркин матбуотнинг кундалик одатий материаллари мақомида эди, бироқ шўро даврининг цензурали об-ҳавосидан кейин бунақа эркинлик "шов-шув" тусини олди. Халқ — ўқувчи бунга ҳали тайёр эмасди, шекилли-да. Айни пайтда газета саҳифаларидаги бу материаллар тоғдан тўсатдан тушган лойқа сел суви қирғоқларни ўпириб ортиқча шовқин солгани каби таассурот уйғотиб, бу тошқинни дарё ўзанига солиш эҳтиёжи ҳам туғилди...

Нима бўлгандаям, Юртбоши ташаббуси билан дунёга келган мустақил газета турли шакл ва мазмунларда ҳақ сўзни айтишдан қолмади. Шунинг учун ҳам у тезда оёққа туриб, кенг газетхонлар шууридан мустаҳкам ўрин эгаллади. Айтиш жоизки, дастлабки йиллар мобайнида газета саҳифаларида маданият ва самимият барқ уриб турди. Айни пайтда, ҳақ сўзга бағишланган қатор танқидий, муаммоли, долзарб мавзудаги мақолаларда ҳам маданият ва самимият руҳини кўриш мумкин эди. Сўнг, очиқроқ айтганда 2002-2003 йиллардаги сонларини варақласангиз, газетага яна бироз шиддат, дадиллик қўшилганини ҳис қиласиз. Газета ҳозиргача ҳам ана шу маданият, самимият, шиддатни йўқотгани йўқ.

Энг муҳими, Мустақил газета мамлакат Мустақиллигининг афсонавий ютуқларини мунтазам ёритиш билан бирга, жамиятдаги, кундалик турмушимизда учраётган салбий воқеа-ҳодисаларга ҳам доимий эътибор бериш орқали бу камчилик-нуқсонларни тараққиёт, ривожланиш йўлидан супуриб ташлашга хизмат қилмоқда. Бу борада мен "Hurriyat"нинг доимий муаллифи сифатида ўзим гувоҳи бўлган қатор воқеа-ҳодисалардан мисоллар келтирай. Ҳуқуқ соҳаси кишилари яхши билишадики, Олий суд пленумида конкрет жиноят ишларини муҳокама қилиб муносабат билдирилиши ҳадеб ҳам бўлавермайди. Пленум — энг юқори ва охирги босқич. Газетанинг 2003 йил 15 январь сонида чоп этилган, Фарғона вилоят божхона бошқармаси бошлиғининг собиқ ўринбосари Зокиржон Позиловнинг ноҳақ олти йилга озодликдан маҳрум этилиши ҳақидаги "Полковникнинг изтироблари" мақоласидан сўнг, бу жиноят иши Олий суд пленумида кўриб чиқилди. Судланувчи уч йил мобайнида ёзган шикоят ва мурожаатлари асосида бу иш бошқа ҳамма қуйи босқич судларда кўрилиб, рад жавоби олинган эди. Пленум барча суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўришга юборди ва биринчи босқич судида икки ой мобайнида муҳокама қилинган мазкур жиноят иши бўйича оқлов ҳукми чиқарилди. Мақола қаҳрамони аввалги иш жойига тикланди, у "Hurriyat"дан бутун умрга миннатдор...

Ёки "Қўшиб ёзиш" (30 октябрь, 2002 йил) деган мақолани олайлик. Унда шўро замонидан қолган иллат — пахта ҳосили етиштириш режасини бажариш учун қўшиб ёзиш ҳамон унда-бунда учраб турганлиги конкрет фактлар орқали ёзилган эди. Аввалига, бу соҳага мутасадди киши бош муҳаррирни чақириб: "Бу ҳаммаси бўҳтон, раддия берасан", деб, қўлига мақола қаҳрамони имзо қўйган раддияни ҳам тутқазди. Бироқ рад этиб бўлмайдиган ҳужжатлар билан танишилгач, раддия ўрнига мақола муҳокама қилингани ва айбдорлар жазолангани тўғрисидаги жавоб эълон қилинди. Бунда газетанинг ўз позициясида қаттиқ туриб, муаллиф билан биргаликда газета шон-шуҳратини ҳимоя қила билганини ҳам таъкидламоқ жоиз. Энг муҳими, ушбу мақоланинг чоп этилиши ва тегишли идораларда муҳокама қилиниши, қўшиб ёзишдек яроқсиз тажрибанинг қайта газак олмай йўқотилишига жиддий ва ниҳоятда фойдали туртки бўлди десак, бунда муболаға йўқ.

Шунингдек, ўқувчилар ва мутасаддилар ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлган "Одамлар нега шикоят ёзишади" салкам бир саҳифа мақолани эслайлик. Унда жойларда ҳал қилинмаган ва натижада одамларнинг шикоят ёзишига сабаб бўлган беш-олтита қонунбузарлик фактлари атрофида мулоҳаза юритилган эди. Масъул идораларда муҳокамалардан кейин бу масалалар ижобий ечимини топди ва алоқадор газетхонлар газетага миннатдорчилик билдиришди. Бундан ҳам муҳими, мақола содир бўлиши мумкин бўлган ҳудди шунақа бошқа кўплаб ҳолатларни содир этилмаслиги учун огоҳлантириш вазифасини ўтагани билан қадрлидир.

"Hurriyat"нинг 10 йиллик ҳаёти давомида бажарган бунақа хайрли ишларини санайверсак, тонг отмайди! Истиқлол йилларида туғилган фарзандлар нисбатан эрта улғаяётгани каби, Мустақил газета ҳам бугунги ўн ёшида унинг қадамлари вояга етган ўсмирнинг қадамидек дадил, залворли, кўркам. Шу дадиллик ва кўрк сени ҳеч қачон тарк этмасин, "Hurriyat"!

Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги «КАМРАХ» фермер хўжалиги

2007 йил

Мустақил Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги 2007 йил билан самимий қутлайди.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да сизларга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик ва ишларингизга улкан зафарлар тилаймиз!

Янги йил ҳам Мустақил Ватанимиз учун муваффақиятлар ва юксалишлар йили бўлсин!

Кўзгу

Компьютер, принтер ҳамда мобил телефонларидан фойдаланиш натижасида атроф муҳитга етказиладиган зарар жуда тез суръатда ўсмоқда. Ҳар йили 20-30 млн тонна "e-waste" — электрон чиқиндилар ишлаб чиқарилмоқда. Европа Ҳамжамияти тарқатган маълумотларга кўра, кейинги йилларда электрон чиқинди энг катта суръатда кўпайиб кетаётган чиқинди ҳисобланади.

«Nokia»нинг нархи тушиши мумкин

Дилфуза ҚЎЛДОШЕВА

Ушбу йилнинг июль ойида Европада ва АҚШнинг Колифорния штатида зарарли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни чегаралайдиган қонун кучга кирди. Европада эса ROHS (Restriction of Hazardois Substances — Зарарли моддаларни чеклаш) ташкилоти электрон товарларда заҳарли материаллардан фойдаланишни тўғридан тўғри тақиқламоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда Колифорнияда хусусий мобил телефон эгалари эски телефонларини қайта ишлаб чиқариш учун қайтариб бермоқдалар.

Кўпгина технологик фирмалар аллақачон ишлаб чиқараётган маҳсулотлари таркибида заҳарли (токсик) моддаларни чеклаб, мижозларига яроқсиз товарларини қайта ишлаб чиқаришга топширишларини таклиф қилмоқда.

ROHS ташкилотининг қонунлари ўз таркибида графит, меркурий, кадмий ва бошқа заҳарли моддалар, баъзи зарарли моддалардан ташкил топган, яъни BFRS (нур сақловчи бромидлар) мавжуд бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни тақиқлайди. Greenpeace ташкилоти эса экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун юқоридаги 2 турдаги ҳамда поливинил хлорид (PVC) ва ROHSнинг рўйхатига кирмаган бошқа BFRS моддалари маҳсулот таркибида қўлламасликни амалга татбиқ қилмоқда. Шунингдек, ушбу ташкилот корхоналарни "оғоҳлантирувчи принциплар"ни қабул қилишга ва атроф муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган кимёвий моддаларни ишлаб чиқаришни камайтиришга чақирмоқда. Greenpeace ташкилотининг методологиясини ҳамма ҳам бирдек қўллаб қувватламасада, унинг олиб бораётган ишлари ҳурматга лойиқ. Дунёнинг энг йирик қўл телефонларини ишлаб чиқарувчи Nokia фирмаси ихчам телефонлари билан машҳур бўлса-да, лекин Greenpeaceнинг тадқиқотлари таркибида заҳарли химикатлардан холи эмаслигини кўрсатмоқда.

Nokia фирмаси келаси йилдан бошлаб ишлаб чиқаришда PVC (поливинил хлодид) ва BFRS моддаларидан холи маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга қўйса-да, Greenpeace, унга бошқа соҳаларда "огоҳлантириш" бермоқда.

Dell, қачонлардир ҳурмат қозонган "марка" ўзининг обрўсини йўқотмоқда, чунки ушбу фирма ҳали ҳам маҳсулотлари таркибида PVC ва BFRS моддаларидан фойдаланишни чеклангани йўқ. Apple эса Колифорниядаги атроф муҳитга катта зарар етказувчи корхоналардан бири бўлиб, Greenpeaceнинг ўтказган тадқиқотларида таркибида зарарли моддаларнинг кўплиги билан ўз рейтингини қуйи натижаларда кўрсатди. Чунки ушбу фирма PVC ва BFRS моддаларидан фойдаланишни чеклаган бўлса-да, шунга қарамасдан унинг маҳсулотларининг таркиби кўпгина зарарли кимёвий моддалардан холи эмас. Ушбу фирма 1994 йилдан бери 9500 тонна электроникани қайта ишлаб чиқарган. Ва Apple ҳозирги кунда ўз маҳсулотларини кичик ҳажмда қулай қилиб яратишни йўлга қўйган. Greenpeaceнинг таъкидлашича, Nokia ҳам кичик ва чиройли қилиб маҳсулот ишлаб чиқарса-да, лекин улар қайта ишлаб чиқарилишга муҳтож.

Турсунали АКБАРОВ,
"Туркистон-пресс" ахборот агентлиги катта мухбири

«Ҳуррият» ўтган йиллар мобайнида анчагина иссиқ-совуқни бошдан кечириб улгурди: саноқсиз судлашувлар, қўнғироқбозликлар, даҳанаки жанглар... Булар, албатта, газетада босилган танқидий мақолалардан кейинги ҳолатлар. Шу даргоҳда оз эмас, саккиз йил ишлаган қаламкаш сифатида айтаманки, ўтган давр мобайнида таҳририятнинг эришган мавқеи ҳам, бой берган имкониятлари ҳам танқиддан бўлди. Кимки «Тўғри гап туққанингга ёқмас» деган гапнинг ростлигига ишонса, асосий қуроли танқид бўлган нашрда ишлаш нечоғли эканини яхши ҳис этади... Ушбу жумлалар ёзғириш маъносида эмас, шу ва шу каби ҳолатлар журналистиканинг оддий жараёни эканига таъкид сифатида ёзилмоқда. Зеро, бир қўшиқда айтилганидек, «муҳаббатни чиқаргандир чидаганга!»

Шундайку-я, бироқ беш қўл баробар эмас. Гоҳ ҳаяжоннинг зўри, гоҳ савод ва тажриба етишмаслиги, гоҳо иқтидордан иддаонинг устун келиши маълум хатоларга сабаб бўлса бўлгандир. Ахир, мухбир ҳам одам, илло хатолардан ҳоли эмас. Ўз вақтида «Ҳуррият»да ишлаб, танқидлар ёзиб, кимларнингдир мушкули осон бўлишига сабабчи эканимиздан кўнглимиз тўлса, билиб-билмай кимнингдир дилига озор етказганимиздан андак ҳижолатимиз ҳам бор. Бироқ бунинг замирида қасд бўлмаган, атайинликдан мутлақо йироқ.

Инсоф юзасидан қайд этиш керак, газета озми-кўпми тажрибаси орқали тўғри гапни қачон ва қандай айтишни, муросасизлик билан бетгачопарлик орасида фарқ борлигини баҳоли қудрат ўқувчиларга ҳам, ёзғувчиларга ҳам ўргатди, ўргатмоқда, шу баробарида ўрганмоқда ҳам. Шунингдек, айниқса, ўрта бўғин раҳбарларнинг матбуотга нисбатан тўғри муносабати шаклланиши жараёнида таҳририятнинг ўзига яраша ҳиссаси бор.

"Ҳуррият" — ҳамма маънода журналистиканинг, журналистларнинг юзи бўлишига интилиб келган. Бу жараён ҳамон давом этиб келмоқда. Нафақат жамиятнинг турли жабҳаларидаги камчиликлар, балки журналистиканинг ечимини кутаётган муаммолари ҳам шу газетада ёритилади. Қандай ёки қайси нашр бўлмасин, модомики, мабуот – жамият кўзгуси дейилар экан, матбуот ҳам вақти-вақти билан ўша ойнадан ўз аксига боқиб турмоғи керак-да. Бу борада "Ҳуррият" тутган йўлни эътироф этмай бўлмайди: газета ўз саҳифасида "Ҳуррият"ни танқид" рукнини очганига кўп бўлган...

Таҳририят мўъжазгина жамоадан иборат бўлишига қарамай, том маънода катта мактаб бўлгани эндиликда ойдинлашмоқда. "Ҳуррият"да ишлаб кетган аксарият ҳамкасбларимиз эндиликда тилга тушган журналист, масъул лавозимларда меҳнат қилишмоқда. Меҳнаткашлиги билан ҳурмат қозонган Абдуқаюм Йўлдошев анча вақт "Моҳият"ни бошқарди, кичик кўнгил Амирқул Каримов "Олтин мерос" Халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, оғир-босиқ Норали Очилов ЎзАда бош муҳаррир, газета ғазнасини тўлдираман дея елиб-югурган Бахтиёр Абдусаторов "Адолат"га раҳбарлик қилмоқда, Нуриддин Исмоилов эса "Ҳордиқ" етакчиси, "индамас" Зокиржон Алибеков унга ўринбосар, афандисифат Абдурахмон Ташанов алламбало лойиҳалар билан банд. Андак қизиқкон Шерзод Сайдалиев "Келинчак" чиқаряпти, барчамиз тарбиясини олган устоз Хуршид Дўстмуҳаммад мамлакат парламенти қуйи палатасида қўмита раиси... Ушбу рўйхатнинг ўзиёқ кўп нарсаларни айтиб турибди, демак, ортиқча гапга ҳожат йўқ...

Музейга боряпмизми?

Ёхуд миллий бойликларни сақлаш ва жаҳонга олиб чиқиш йўлида фаолият олиб бораётган Ўзбекистон Музейлар кенгаши хусусида

Дурдона АЛИМОВА



Музейлар ҳар қандай давлатнинг миллий маданий бойликларини узоқ йиллар сақлаб қолиш, халқнинг тарихи ва меросини жаҳон афкор оммасига таништиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам музейшунослик махсус соҳа ҳисобланади. Бу борада турли мутахассислар тадқиқот олиб борадилар, бу соҳанинг ривожи учун бир қанча ташкилотлар фаолият юритадилар. Улардан бири нодавлат нотижорат ташкилоти Музейлар кенгашидир.

Музейлар кенгаши 1997 йилда ташкил топган. 2006 йили Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциациясига аъзоликка қабул қилинди. Кенгашнинг юқори бошқарув органи сессия бўлиб, у йилда камида бир марта чақирилади. Сессия оралиғидаги кундалик фаолият кенгаш президиуми тарафидан мувофиқлаштирилади. Президиум уч йил муддатга сайланиб, унга кенгаш раиси раҳбарлик қилади.

Музейлар давлат ва халқнинг маданияти ва бойликларини халқаро миқёсда намойиш қилади. Шу маънода Музейлар кенгашининг ҳам асосий мақсад ва вазифаси халқаро алоқалар билан боғлиқ. У Ўзбекистон Республикаси музейларининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича тадбирларни амалга оширади. Бу йўлда асосий эътибор музей ходимлари малакасини оширишга қаратилади. Шу билан бирга кенгаш музейшунослик ва осори атиқаларни ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш бўйича чет эл музейлари ва мутахассислари билан ҳамкорлик қилишга ёрдам кўрсатади; маданият, тарих ва санъатга оид халқаро анжуманлар ташкил этади; халқаро ташкилотлар билан лойиҳа ва кўргазмаларни амалга оширади.

Музейлар кенгаши яқинда Ўзбекистоннинг бир қанча ташкилотлари билан ҳамкорликда Испанияда ўтказиладиган кўргазмада иштирок этиш арафасида. 2007 йилнинг апрелида бўладиган бу кўргазма Амир Темурнинг 670 йиллигига бағишланади.

Бундан ташқари, кенгаш миллий бойликларимизни дунёга танитиш мақсадида Ўзбекистон маданияти, санъати ва тарихи бўйича нашрлар чоп этади ва тарқатади ҳамда жойларда кўргазмалар, танловлар ўтказади. Мисол учун, жорий йилнинг июнь-сентябрь ойларида Музейлар кенгаши ЎзННТМАнинг "Менинг Ватаним – менинг дунём" мавзусидаги лойиҳасини амалга оширди. Ушбу лойиҳа доирасида Мустақилликнинг 15 йиллигига бағишлаб мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида тасвирий санъат танлови ўтказилди. Танловдан асосий мақсад жамиятнинг бу қатламига ҳам нодавлат секторнинг эътиборини кучайтириш ва уларга ўз ҳис-туйғуларини қалам билан баён қилиш имкониятини туғдириш эди. Танловда 500 га яқин 13-16 ёшдаги мехрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирок этди. Саралаш босқичи вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилди. Кўрик-танловнинг якуний босқичида Тошкент вилоятида фаолият юритувчи "Опа-сингиллар" нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ногирон болалар санъат асарларининг кўргазмаси ташкил этилди.

Музейлар кенгашининг юртимиз бой маданий мероси, осори атиқаларини дунё ҳамжамиятига яқиндан таништириш йўлида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишларидан яна бири интернет тармоғида Ўзбекистон веб-музейини яратиш ғоясидир. Режага кўра, веб-музейга республикадаги энг сара қадимий бойликларнинг суратлари жойлаштирилиб, улар ҳақида батафсил маълумотлар бериб борилади. Шу йўл билан Ўзбекистон маданияти ва тарихига қизиқиш билдирган хориждаги мутахассислар билан бевосита алоқа ўрнатиш, бойликларимизни жаҳонга кенг таништириш мумкин бўлади.

Кўриб турганингиздек, Музейлар кенгаши ўзбек халқининг қадимий ёдгорликларини халқаро миқёсда тараннум этувчи ва жаҳонга олиб чиқувчи уюшма бўлиш билан бирга, фан, маданият ва санъат ҳодимларини бирлаштирувчи жамоат ташкилоти ҳам саналади.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. *Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".*

Эҳтиром

УШБУ мақолани ёзишимга яқинда "Жаҳон адабиёти" журналида атоқли адибимиз Одил Ёқубовнинг "Осий банда" романидан эълон қилинган боблар туртки бўлди. Одил ака янги романида мустамлака замонининг умр шомида халқимиз бошидан кечирган оғир изтироблар, фожеалар чуқур руҳий драматик таҳлил ва моҳирлик билан очиб берган.

Олтин зангламас, ...

Маҳмуд САТТОРОВ

Биз шогирдлар адабиётшунос олим Асил Рашидовни анча яқиндан билар, у киши билан узоқ йиллар самимий муносабатда бўлиб келганмиз. Бўйи-басти, қаддиқомати, касби-корию қизиқишлари билан укалари орасида акасига жуда ўхшаши шу Асил ака Рашидов эди.

Мен "Ўқитувчи"да редакция мудири бўлиб ишлаган йилларимда ҳаммуаллифим раҳматли Акрам Каттабеков билан тарихий асарлар таҳлилига бағишланган "Олис юлдузлар жилоси" китобини чоп этадиган бўлдик, раҳбарим Наримон Ҳотамовнинг тавсияси билан Асил Рашидовни ушбу китобга масъул муҳаррирликка таклиф этдик. Асил ака ўзи яқинда диссертацияси монографияси — "Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири"ни нашр эттириб, бу қора меҳнатнинг заҳматини чеккан, ўша ғайрат ва синчковлик билан бизнинг қўлёзмаларимизни ҳам кўздан кечириб, таҳрир қилиб берди.

Айтматов асарлари моҳир таржимони Асил Рашидов билан шу тарзда қадрдонлашиб кетдик. Бу орада беш адабиётчининг Қашқадарёга қилган маччойи сайримиз бизни янада иноқлаштирди. Бу "дарвешлар юриши" саёҳати экипаж аъзолари — Асил ака, Мурод Хидир (ташаббускор), Маҳкам Маҳмудов, мен ва автоулов эгаси — педагог олим Муҳаммади Жумановлар эдик. Бу сафар бир-биримизни кашф этишимизга муҳим омил бўлди. Асил аканинг нозиктаъб ижодкор, принципиал олим, айни чоғда камтарин, оддий инсонлигини ўша сафарда англадик. Бу яқинлик бир-бирларимизнинг хонадонимизга меҳмон бўлиб бориш-келишда давом этди.

Қашқадарёга сафаримизда туман раҳбарларидан бири — хом сут эмган банда — Асил акани "сийлаб" совға-салом, тўғрироғи, пора бермоқчи бўлибди. Бильярдхонадан асаби қайнаб чиққан шеригимиз райкомнинг ноз-неъмат тўла зиёфат столини тарк этиб, Мурод Хидирнинг бригадир акасининг одми дастурхонига меҳмон бўлгани ҳам ёдимдан кўтарилмайди. Бир гал менинг келишимга Асил ака шўрва осиб қўйган экан, пишгач, тушлик қиладиган бўлдик. Иккита кулча нон қуриб, қотиб қолган, синдирсак, қарсиллаб қоқ нон бўлакларга бўлиниб кетди. Шунда Асил ака:

— Маҳмуджон, ноннинг суви қочиб, қоқ бўлибди, ташлаб юборсак, увол бўлади, яхшиси, шўрвага тўғраб еб қўя қолайлик, — деди.

Қоқ нонни курсиллатиб еб, ичган ўша кобулий шўрвамизнинг таъми ҳамон оғзимдан кетмайди...

Шўро замонида Айтматов асарлари ҳассос таржимони сифатида танилган Асил Рашидов пединститутда домлалик қилар, бўш вақти журналист, ноширлар билан шахмат тахтаси устида ўтарди...

Ўшанда санъат дарслигида Венера сурати остига берилган "источник" — "чашма" атамасига кўнглим тўлмади-ю, улуғлар кўмагига кўз тутиб, "Ўқитувчи"дан тепага — бадиий адабиёт нашриётига кўтарилдим. Мирзиёд аканинг хонасида шахмат авжида эди. Кабинет эгаси бор дунёни унутиб, муаллиф — таржимон Асил Рашидов билан курашда қизғин паллага кирган экан. Ҳарб устидаги "саркарда"лардан бирор савол сўраш ҳам амри маҳол эди. Улар тахтадан бош кўтарган пайтларини пойлаб, савол ташлаб қолдим:

— Бошидаги кўзадан сут тўкилаётган Венера сурати остига таржимон "Чашма" деб тагсўз ёзибди. Тўғри таржима бўлса-да, кўнглим тўлмаяпти, — дедим юрак ютиб.

Мирзиёд ака:

— Изоҳли луғатдан қаранг, классик адабиёт луғатини ҳам унутманг, — деди.

Асил ака:

— Русча-ўзбекчадан ташқари форсий-арабий атамаларга ҳам мурожаат қилинг, — дея маслаҳат бераркан, "шоҳ" деб шеригига кишт берди.

Оқшом уйда лоп этиб миямга "Сарчашма" атамаси урилди. Асил ака атамани беҳуда форс-араб сўзлари орасидан қидиришни маслаҳат бермаган экан. Яна шуни англадимки, маҳоратли таржимонлар ушбу атама эквивалентини яхши билишса-да, ёш муҳаррир ўзи қидириб топиб, ўрнига қўйсин деб атайлаб, тайёр жавобни айтмаган эканлар...



2006 йилнинг охирларига келиб чоп этилган таниқли мураббий олимлар Сайди Умиров ва Бойбўта Дўстқораевларнинг "Зиёбахш умр саҳифалари" китоби менинг Асил ака ҳақидаги тасаввурларимни янада ойдинлаштирди. Бу мўъжаз китоб муқовасида узоқдан академик Сахаровни эслатувчи қадрдонимиз Асил Рашидовнинг ўзига хос ўйчан сиймоси акс этган бўлиб, муаллифлар ўз тадқиқотларини "Асил Рашидов портретига чизгилар" деб аташган эди. Мен бу китобдан муҳтарам танишим ҳақида ўзим билмаган маълумотларни ҳаяжон билан мутолаа қилиб, рисола портрет чизгилари эмас, чинакам баркамол инсон портрети эканлигига имон келтирдим. Қаранг, муҳтарам газетхон, Асил ака Рашидов Ўзбекистонда илк бор таъсис этилган журналистика бўлимининг биринчи қалдирғочларидан экан. Чингиз Айтматов асарлари таржимасига қўл уришни унга устози, илмий раҳбари академик Воҳид Зоҳидов тавсия этган экан. Китобда катта самимият билан дарж этилган Файбулла Саломов ва Асил Рашидовларнинг 40 йиллик безавол дўстлигига Шароф Рашидов сабабчи бўлган эканлар...

"Зиёбахш умр саҳифалари" бир пайтлар рус адабиётида машҳур бўлган ЖЗЛ (Жизнь замечательных людей) сериясидаги асарлар каби мароқ билан ўқилади. Албатта, унинг қаҳрамони ва унга ёндош сиймолар ҳам биз таниган ва танимаган буюк зотлардан кам эмас. Жаҳон бадииятининг етук арбоби Чингиз Айтматов, ўзбек халқи тарихи ва адабиётида нурли из қолдирган Шароф Рашидов, миллий фан ва маданиятимиз буюк сиймоси, академик Иброҳим Мўминов, фалсафа, адабиёт-санъат фидойиси Воҳид Зоҳидов, қомусий-адабиёт илмлари соҳиби, сўнгги ҳужайрасигача ватанпарвар зиёли Файбулла Саломовлар қайси халқ ва миллат буюкларидан кам дейсиз?!

"Дўст — дўстга ойна" дейишади донишмандлар. "Зиёбахш умр саҳифалари"нинг иккинчи қаҳрамони Асил Рашидовнинг беминнат дўсти, бир умрлик ҳамроҳи, салафи, сирдош, фикрдош йўлдоши Файбуллоҳ ас-Салом бўлган. Бу икки дўст, Худонинг қудрати билан илму амалда бир-бирини тўлдирган, бойитган — бир-бирига ойна бўлган.

Дўстликнинг безаволлигини қаранг, раҳматли Файбулла Саломовни Асил Рашидов ҳақидаги ушбу мазмундор рисоланинг ҳаммуаллифи ҳам дейиш мумкин. Китобда келтирилган муросасиз баҳсу мунозаралар, интервьюлар, холис танқидий ва таҳлилий фикр-мулоҳазалар шундай дейишимизга имкон беради.

Қаҳрамонимиз Асил Рашидов 75 дан ўтиб, 77 га кетяпти. Бу, албатта, кичик ёш эмас. Лекин рисола муаллифлари ҳақли равишда таъкидлашганларидек, адабиётшунос, мунаққид, мутаржим, мударрис, мақоланавис нисбаларига доғ туширмай, ҳалол, бетанаффус, бекаму кўст ижоднинг қора меҳнатини қилиш ҳар кимнинг қўлидан келадиган иш эмас.

Бу ҳунарни санъат даражасида, олий мақомда ушлаб туриш ижод деҳқонига хос бўлган фазилат. Халқимиз "олтин зангламас, асил айнимас" деганда муаззам замондошимиз Асил Рашидов сингари асл зиёли фарзандларни кўзда тутгани аниқ.

Ҳур фикр жозибаси

Норали ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош муҳаррири

Ҳар қандай жамиятда ҳам тўғри гапни айтиш, айтганда ҳам унчамунчанинг кўнглига озор етказмай айтиш эҳтиёжи мавжуд. Баъзида тил учида турган, дилда ғалаён қилаётган фикрни айтиш бир азоб бўлса, уни тўғри ифодалай олиш чандон машаққатга айланади. Хусусан, айрича қарашларни кўпчилик ҳукмига ҳавола этишдек сарташвиш юмушни уддалаш осон кечмайди. Назаримда, "Ҳуррият" мустақил газетаси ана шу нозик вазифани моҳирлик билан бажарган, бажараётган нашрдир.

"Ҳуррият" таъсис этилиши биланоқ кенг омма, айниқса зиёлилар ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетди. Унинг навбатдаги сонини олиш учун ҳатто, газета дўконларига олдиндан буюртма берган мухлисларни кўрганмиз. "Ҳуррият" баайни эркин фикр ва қарашлар минбари бўлди. Юртимизда ҳурлик ўзгаришларининг меваси сифатида дунёга келган мазкур нашр кўпчиликнинг дилидагини саҳифаларига кўчириб газетхонлар меҳрини қозонди. Ўтган йилларда ўзбек публицистикасида бир қадар унутилган жанрлар — фельетон, памфлет, журналист суриштируви ва бошқаларга энг кўп ўрин берган газета ҳам, шубҳасиз, "Ҳуррият" бўлди.

Назаримда, газетани ўтган асрнинг 17-18 йилларида Самарқандда жадидлар томонидан чоп этилган "Ҳуррият" билан қиёслаш унчалик тўғри бўлмас. Негаки, ўлкамизда нашр этилган илк "Ҳуррият" саҳифаларидаги мақолалар моҳиятида юртни озод кўриш истаги пинҳон бўлган. Бугунги "Ҳуррият"да эса ўз истиқлолини қўлга киритган юртни ҳар жиҳатдан тўкис кўриш истаги, жамиятда учрайдиган муаммоларни бартараф этиш йўл-йўриқлари ҳамда янгича фикр ва қарашлар ўз ифодасини топди. "Ҳуррият" мен учун катта ҳаёт мактаби вазифасини ўтагани билан ҳам қадрдон газета. Унга дастлаб турли мавзудаги мақолалар билан қатнашганмиз, кейинчалик бир муддат ишлашга ҳам тўғри келган.

Ёдимда, газета саҳифасини бўлар-бўлмасга исроф қилмаслик, унинг ҳар бир сантиметридан ҳам унумли фойдаланишга тиришиларди. Жимитдек жойда ҳам кишиларда фикр-мулоҳаза уйғотадиган бирор бир иқтибос ё хабар бериларди. "Йўғ-э!», «Овоза», «Рақам», «Иқтибос», «Қиёс», «Афоризм ўрнида», «Ажабо!» сингари жой эгаллаб-эгалламаган доимий рукнларда маънавий-ижтимоий жиҳатдан ўзига хос аҳамиятга эга бўлган фавқулодда янги гап топиб ёзиларди. Унча-мунчанинг тишига тегадиган кескин ва муросасиз фикрларга беозор мутойиба тўни кийгизиларди. Баъзида газета шаънига ёғиладиган «ҳамду сано»-лар ёмғирига ҳам ана шу митти, айни пайтда салмоқли фикрлар сабаб бўларди...

"Ҳуррият"да «ғишт» мақолалар зарурат юзасидангина берилади. Мақола танлашда муаллифнинг кимлигига эмас, балки материалнинг мазмун-моҳияти, жамиятга берадиган нафи, фикрнинг янгилиги ва лўндалигига алоҳида эътибор берилади. Газетага хос ихчамлик унинг рукнларига ҳам кўчган — «Таҳлил», «Танқид», «Тафтиш», «Фельетон», «Зиддият», «Қисмат», «Воқеа», «Вазият», «Мулоҳаза», «Манзара», «Мактуб», «Тафаккур», «Ол-а!»...

«Ҳуррият»нинг кимдан ва нимадан мустақиллиги айниқса обуна мавсумида янада яққол сезилади. Бир гал газетани оммалаштириш, обуначиларини кўпайтириш мақсадида журналистлар ва ҳаваскор югурувчилар ўртасида спартакиада ташкил этилганди.

«Ҳуррият» номига ярашиқли ҳур газета. Истагим, у ҳар қандай шароитда ҳам эркин ва ҳур фикрлар минбари бўлиб қолаверсин.

Енгилмас эл

Нуриддин ОЧИЛОВ

Бир подшоҳ хазинасини бойитиш учун, уруш эълон қилмай иккинчи бир давлатга қўшин тортибди. Манзилга етиб, овлоқ бир жойда тўхтабди ва аҳволни билиб келиш учун беш-олти одамни мухобаратга юборибди.

Анча кечикиб келган хабарчилар подшоҳга дебдилар:

— Эй, подшоҳим, тумонат одам йиғилган саройда катта тантана бўлаётган экан. Одамлар шоду хуррам.

— Базму ишратми? — сўрабди подшоҳ.

— Йўқ, — дебди хабарчилар, — мамлакатнинг машҳур шоирлари, бахшиларию ҳофизлари подшоҳ олдида ўз маҳоратларини намойиш этаётган эканлар.

— Ҳм, — дебди подшоҳ ўйланиб ва чуқур уҳ тортиб, хабарчиларга қарабди:

— Унда уруш тамом. Биз енгилдик. Ҳозироқ орқага қайтамиз. Қани, отга мининглар! — буюрибди подшоҳ.

Ҳамма ҳайрон бўлиб бир-бирига тикилибди. Шунда вазирлардан бири подшоҳга юзланиб сўрабди:

— Подшоҳим, айтинг, не сабабдан орқага қайтяпмиз?

— Шуни билиб қўйинглар-ки, — дебди подшоҳ, — маърифатию маданияти юксак бўлган давлатни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Чунки маънавияти зўр давлатнинг қудрати ҳам зўр бўлади. Қойил қолдим бу давлатга. Қани, кетдик!

Бу гапдан сўнг бирор бир киши чурқ этмабди.

Юртига қайтиб борган подшоҳ мамлакатда маърифату маданиятни равнақ топтиришга бел боғлабди.

Ёдлов

2007 йил — Халқаро Мавлоно Румий йили

Кўнёда Румий руҳи шод бўлди

ШУ КУНЛАРДА Туркиянинг қадимий Кўнё шаҳрида ўзгача бир шукуҳ ҳукмрон. Шаҳар ҳар доимгидан гавжум, хилма-хил тадбирларга бой айни кунларда. Кўнёда буюк мутасаввуф шоир Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратлари вафотининг 733 йиллигига бағишланган хотира маросимлари ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Жалолиддин Румий мақбараси, Мавлоно музейи, мадрасалар, хонақоҳлар ниҳоятда гавжум, зиёратчиларнинг кети узилмайди. 2006 йилнинг 1 декабридан бошланган тадбирлар Мавлоно Румий вафот этган 17 декабрь кунигача давом этди. Маросимлар кенг қамровли бўлиб, Мавлоно ҳаёти ва ижоди, унинг қарашлари, фалсафаси ҳақида маълумот берувчи турли дастурлардан иборат бўлди.



"Huriyat" газетаси учун
Муҳиддин АБДУРАСУЛ,
Кўнё (Туркия)

Маросим дастуридан Мавлавия тариқати вакилларининг само рақслари, тасаввуф мавзусидаги фотокўргазмалар, олимларнинг Румий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги сермазмун маърузалари, қолаверса, Тасаввуф мусиқаси 3-Халқаро фестивали ва бошқа муҳим тадбирлар ўрин олган. Бу маросимлар Кўнё шаҳрида дунёнинг турли давлатларидан келган меҳмонлар, адабиётшунослар, олимлар иштирокида Туркия Маданият ва туризм вазирлиги, Кўнё вилояти ва шаҳар ҳокимияти томонидан ҳар йили декабрь ойининг биринчи ярмида анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Айниқса, бу йилги маросимларда ўзгача тайёргарлик кўрилгани дастурлар ниҳоятда ранг-баранглигидан намоён бўлди.

Айниқса, Тасаввуф мусиқаси 3-Халқаро фестивали меҳмонларда, кўнёликларда катта таассурот қолдирди. Фестивалда Ўзбекистондан таниқли ҳофиз Шерали Жўраев, Озарбайжондан Олим Қосимов, Дағистондан Аҳмад Аҳмедов ҳамда Эрондан Шаҳром Назирий каби машҳур санъаткорлар иштирок этишди. Фестивал доирасидаги илк концерт дастури 10 декабрь якшанба куни Кўнё Тижорат маркази мажлислар залида ўзбекистонлик санъаткорлар томонидан тақдим этилди. Туркиялик мухлислар ўзбек санъаткорларини олқишлар билан кутиб олди. Ўзбек мумтоз мусиқаси жўрлигида янграган ватан, она, тасаввуф мавзусидаги ранг-баранг қўшиқлар йиғилганларни ҳушнуд этди. Айниқса, Жалолиддин Румийнинг "Билмассан", "Тарк айлама" каби шеърлари билан айтилган ўзбек тилидаги ажойиб қўшиқлар кўнёликларни лол қолдирди.

Шарқ Ҳақни топди, дунёдан кечиб,
Ғарб дунё топди, Аллоҳдан кечиб.
Жалолиддин РУМИЙ

17 кун давом этган маросимларда Мавлавия тариқати вакиллари ижросида 23 само рақслари намойиш этилди. Мусиқа жўрлигида ижро этиладиган само рақсларини тахминан 70 минг киши бевосита томоша қилиш имконига эга бўлди.

Маълумки, 2007 йил ҳазрат Жалолиддин Румий таваллудига 800 йил тўлиши муносабати билан ЮНЕСКО томонидан "Халқаро Мавлоно Румий йили" деб эълон қилинган. Бу ўз навбатида бутун ислом олами, тасаввуф адабиёти, қолаверса, Жалолиддин Румий ихлосмандлари учун қувончли ҳодиса бўлди.

Ҳазрат Румийнинг 800 йиллик юбилейи кенг нишонланади. Масалан, 2007 йилнинг 8-9 май кунлари Истанбулда Халқаро Мавлоно Жалолиддин Румий симпозиуми ўтказилади. Унда дунёнинг турли давлатларидан 300 га яқин тасаввуф адабиётшунослари, маданият ва санъат аҳли иштирок этиши кўзда тутилган. Симпозиумнинг Кўнёда давом этадиган қисмида янги таъсис этиладиган Мавлоно Тинчлик мукофоти ўз соҳибларига тақдим этилади. Унга қадар Мавлоно музейи тубдан таъмирланади. "Мавлоно" номли мўъжазгина китоб 18 тилда, жумладан ўзбек тилида ҳам нашр этилди.

ЮНЕСКОнинг маркази жойлашган Париж шаҳрида "Мавлоно Жалолиддин Румий" анжумани ўтказилади. Туркия, Афғонистон ва Эрон Мавлононинг 800 йиллигини нишонлаш дастурини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қиладиган бўлди. Бу 3 ўлканинг ЮНЕСКОдаги доимий ваколатхоналари томонидан тайёрланажак махсус дастур 2007 йилнинг сентябрь ойида тақдим этилиши назарда тутилган.

УМУМАН ОЛГАНДА, Мавлоно юбелийи муносабати билан жаҳоннинг 15 га яқин мамлакатида Мавлоно конференциялари, тасаввуф мусиқаси концерт дастурлари, само рақси томошалари бўлиб ўтиши кутилмоқда. Германиянинг Франкфурт шаҳрида эса Мавлоно ҳаёти ва ижоди, унинг асарлари ва сафдошлари, давомчилари ҳақидаги турли китоблардан иборат кўргазма ҳам ташкил қилинади. Бундан ташқари, Мавлоно Румий қаламига мансуб бир қатор асарлар хорижий тилларга таржима қилинади, унинг асарлари компакт-дисклардан иборат мажмуага бирлаштирилади.

Хатар

"Мен ҳаммангизни ёмон кўраман, мени ўз ҳолимга қўйинглар. Мен билан ҳеч кимнинг иши бўлмасин, барибир қочиб кетаман..." каби кишини ҳавотирга соладиган гаплар Жанубий Кореяда охирги вақтларда жуда кўпайиб бормоқда.

«Хихи кхо мори» касаллиги

Жанубий Кореяда қайталанмоқда

Азамат Акбаров

Аниқроғи, мамлакат фуқаролари ичида одамовилик касалига дучор бўлаётган, бегоналар у ёқда турсин, ҳаттоки ўз ота-онаси, дўстларини ҳам кўришни истамасдан ўзини қоронғуликка ураётган ёки энг хавфлиси, ўзини қандайдир ички хавфдан қутқариш учун узоқларга қочиб кетаётган ёшлар сони ортиб бормоқда. Бундай психологик хасталикка дучор бўлган корейслар сони 300 мингдан ортиқ бўлиб, уларнинг 60 фоизини ўсмир йигитлар ташкил қилади.

Муаммо сабабларини ўрганиш ва чора-тадбирлар кўриш мақсадида корейс шифокор ва психологлари бир қанча муолажалар олиб боришмоқда. Бу дардга чалинган беморлар ва уларнинг ота-оналари, яқинлари ўртасида ўтказилган текширув қуйидаги умумлашмаларга олиб келяпти: Кореяда кўпайиб бораётган бу хасталик қаттиқ руҳий эзилиш оқибатида содир бўлади ва у уч кўринишда ўзини намоён этади. Биринчи кўриниш — қаттиқ руҳий эзилиш натижасида ўз хонасига кириб кўрпасига ўраниб ётиш. Ҳаттоки овқатланишни ҳам инкор этиб, фақат хафа қилган одамлардан тезроқ қутилишни ўйлайди. Сеулда яшайдиган 29 ёшли Ким Хи Жин бир неча ойлар давомида ўз хонасидан чиқмасдан ҳаёт кечирмоқда. Ота-онасидан овқатни олиш учунгина эшикни очадиган бу бемор руҳий хасталигининг асл сабаби ҳали топилмади. 63 ёшли онаси гоҳ-гоҳ ўғлининг кўнглига йўл топмоқчи бўлади, бироқ жаноб Ким онасига кўнглини очиш ўрнига уни ҳақоратлаб, хонасидан қувиб чиқаради.

Иккинчи кўринишда эса руҳий хасталик оқибатида ҳеч ким билан суҳбатлашмай, турли компьютер ўйинларини ўйнаб ёки анимация китобларини ўқиш билан ўзига таскин беради. Юқори мактаб битирувчиси 17 ёшли Пак Мин Су эса шу йилнинг бошидан бери хонадан чиқмади. Унинг ўқитувчиси ва мактабдаги тенгдошлари бир неча бор кўргани келишса ҳам инкор этди. Бироқ у хонада кунни кўрпага ўраниб "ухлаш" билан эмас, балки компьютер ўйинлари ўйнаш билан ўтказарди. Ҳозирда Пак Мин Су шифохонада даволанаётган бўлса ҳам, унинг хасталик сабабларини ҳеч ким билмайди. Чунки у руҳшунос ва шифокорлар томонидан берилган саволларга умуман жавоб бермаяпти.

Хасталикнинг учинчи, охирги кўриниши — ўз уйи, ота-онасини ташлаб қочиб кетиш. Бундай ҳолатлар Кореядагина эмас, дунёнинг кўпгина давлатларида ҳам кузатилади.

Ушбу касалликнинг ортиб бораётгани анчагина жиддий ташвиш туғдирмоқда. Руҳшунос олимлар касалликнинг бошланиш тарихини излаб топгандай бўлишди. Кореялик олимлар касаллик 1970 йил Японияда муаммога айланган "Хихи кхо мори", яъни "уйдан чиқмаслик" касаллигининг нусхаси деб баҳолашмоқда.

Биринчи сонини ҳалигача сақлайман

Фармон ТОШЕВ,
Самарқанд вилояти «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири

"Ҳуррият"нинг биринчи сонини ҳалигача сақлаб юраман. Ўзим ўшанда нуфузли газета — "Ўзбекистон овози"да ишлаётган бўлсам-да, бошқа кўплаб ҳамкасбларим қатори янги мустақил нашрни ҳавас билан кутиб олгандик.

Дастлабки йилларда "демократ" журналистлар кўплик, "зўрлик" қилдими, билмадим, "Ҳуррият"га мақола ёзишга ҳам журъат этолмасдим. Яшириб нима қиламиз: эҳтиёж бор экан, у жамиятдаги иллатларни дадил кўтариб чиқди. Салоҳиятли раҳбарлар қусурини очиқ айтди. Ҳовлиқкан, ўчакишган жойлари ҳам бўлди. Аммо мен бу жараённи табиий ҳол деб ҳисоблайман.

Газета сиёсий курашлар силсиласида, янгича рақобатда шаклланди, кўп ўтмай ўз ўрнини эгаллай бошлади. Ниҳоят камина унинг фаол муаллифларидан, садоқатли муштарийларидан бирига айландим. Адолатли бўлиш учун ҳақиқатни бақириб айтиш шарт эмас. Муҳими, "Ҳуррият" жамиятдаги иллатларни жуда оқилона тарзда айтишни, муаммо ечимига муштарийларни сафарбар этишни ўзлаштирди. Газета услуби (фақат таҳририят ходимлари эмас) муаллифлар услуби асосида шаклланди.

Назаримда, ўн йилда бундай ютуқларга эришиш бир нашр учун кам эмас. Дарвоқе, "Зарафшон" бир пайтлар Маҳмудхўжа Беҳбудий муҳаррирлигида "Ҳуррият" номи билан ҳам чиққан. Шунинг учун уни қалбимга янада яқин биламан. Газетага бўлган ҳурматимнинг яна бир боиси шундаки, айнан "Ҳуррият"даги мақолаларим учун 2002 йилнинг энг фаол журналисти танловида рағбатлантирувчи мукофот олдим.

Сўзимни инсон табиатига хос яна бир хислат билан тугатмоқчиман. Бировнинг кўнглини олиш жуда қийин. Лекин оқил киши ўзидан кечиб бўлсада, ўзгалар ташвиши билан яшайди. "Ҳуррият"га шундай шарафли, узоқ умр тилайман.

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

Халқ банки

BANK XALQ BANKI

мамлакатимизнинг барча фуқаролари ва меҳмонларини кириб келаётган Янги 2007 йил — "Ижтимоий ҳимоя йили" билан самимий муборакбод этади. Янги йилда Сиз, азизларга тинчлик-омонлик, фаровонлик ва оилавий бахт тилаган ҳолда

"Ишонч" ва "Барака" сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этади.

Мазкур пластик карточкалар орқали савдо муассасалари, ёқилғи шохобчалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тармоқларда товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишингиз, ҳамда исталган вақтда нақд пул олишингиз мумкин.

Пластик карточка соҳиби ўз маблағлари дахлсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, банк фоизи ҳисобига қўшимча даромад олиш имкониятига эгадир.

Халқ банки пластик карточкалари — бу Сизнинг кафолатланган ҳамёнингиздир!

Азиз газетхонлар!

«ЧАҒОНИЁН»

ГАЗЕТАСИГА 2007 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Обуна барча почта бўлимлари ва "Матбуот тарқатувчи" бўлинмаларида ҳамда жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинаётир.

ЧАҒОНИЁН
Бугун «Тўполанг» сув омборн қурилишида
СУВ ҲАЁТ ҚОНИДИР

Бизнинг "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик компанияси ва "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг 2007 йил учун обуна каталогидаги нашр кўрсаткичимиз:

Якка обуначилар учун — 484
Ташкилотлар учун —485

Суҳбат

"Ўзбекистонни севиб қолдим"

Суҳбатдош: **Дадахон НУРИЙ**

— Нитин соҳиб, албатта юртимизга илк маротаба ташриф буюришингиз бу. Аввалларидан Ўзбекистон ҳақида тасаввурингиз қандай эди?

— Саволингизга жавоб беришдан аввал гапни узоқдан бошлашга тўғри келади: биласизки, номи бутун дунёга таниқли актёр, продюсер Раж Капур жанобларининг деярли барча фильмларидаги қўшиқлар ижрочиси менинг падари бузрукворим Мукеш жи бўлганлар. Бу ҳаммага маълум. Лекин кўпчилик назаридан пинҳон бўлиб келаётган бир "сир"ни айтиб қўяй — гарчи буюк санъаткор Раж соҳиб менинг отам "қўшиқ"ларини айтиб рол ижро этган бўлсалар-да, яхшигина овозли ҳам эдилар. Фақат оилавий ҳамда яқин дўст-ёрлар даврасида қўшиқ айтганлар... Дарвоқе, замонасининг ўзига хос афсонавий шахсга айланган Раж Капур-Мукеш жиларнинг бир-бирини тўлдирувчи ижодий ҳамкорлиги уларни ўзаро боғлаб турган. Бу боғлиқликлар Капурлар хонадони ҳамда бизнинг оила фарзандлари билан оға-инилар каби яқинлик ришталарини боғланишига сабаб бўлган. Тенгдошларим Рандҳир, Риши, Ражив Капурлар билан акаукалардай бўлиб ўсганмиз. Раж жанобларини ота ҳамда устоз ўрнида кўрардим. У киши илк бор Ўзбекистонда бўлиб, бу гўзал мамлакатингиздан олган таассуротларини ҳикоя қилиб берганларида ҳали ёш бола эдим. Ана ўшанда Ўзбекистон ҳақида биринчи тасаввурга эга бўлганман.

— Албатта, ул жаноб жуда кўп меҳмонимиз бўлганлар. Яхши эслайманки, бизда ўша кунлар кино мухлисларининг байрамига айланиб кетарди.

— Тўғри. Раж соҳиб қанчалик вақтлари зиқ, ижодий режалар билан банд бўлишларига қарамай, янги олинаётган фильмни вақтинчалик тўхтатиб бўлса-да, Ўзбекистонга келишга имкон топардилар. Ва, албатта, олган таассуротларини тўлқинланиб гапириб берардилар. Бир сўзлари эсимдан чиқмайди: "Ўзбекистонга, сўлим Тошкентга ҳордиқ чиқариб келай деб бораман-у, ҳеч иложи бўлмайди. Дўстларим, ёшу қари мухлисларим ёпирилиб келишаверади..." Сўнг кулиб, қўшиб қўйгандилар: "Санъаткор учун бундан бошқа нима керак!" Раж соҳиб вафотларига мана шунча йиллар бўлганига қарамай у кишининг ёди халқингиз қалбида ҳамон мужассам экан. Шу меҳр-муҳаббатнинг ўчмас тимсоли сифатида у жаноб хотирасини ёд этиб, ажойиб тадбир ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганини эшитиб, Раж Капурлар хонадони билан биргаликда беҳад қувондик. Режадаги барча ишларни бироз орқага суриб, Устоз севган мулук — Ўзбекистонга келдик.

— Бомбайнинг жазирама иссиқ ҳавосидан бу ерга келдингиз-у, изғирин аралаш гупиллаб ёғиб турган қор устидан чиқдингиз...

— Дарвоқе, сизларда бу совуқ қачон бошланган? Қиш яқинда кирган бўлса, ҳали узоқ давом этаркан-да!?

— Қайда! Ҳавонинг бундай бирдан совиб кетганидан ўзимиз ҳам ҳайронмиз. Худди сизларни кутиб тургандай! Аслида-ку, куни кеча бу ердаги ҳаво ҳарорати Деҳлидагидан ҳам "юқорироқ" эди. Бир ҳафта ўтиб яна ҳаво сизлардаги Бомбай ҳавосига ўхшаб қолиши ҳеч гап эмас. Обҳаво мутахассислари шунга яқин башорат қилмоқдалар. Бизда бир ой ичида тўрт фаслнинг гувоҳи ҳам бўлишингиз мумкин.

— Чиндан ажойиб!

— Самолётдан тушган заҳоти ўзингизни қандай ҳис этдингиз?

— Келаётиб, Тошкентда қор ёғяпти деганларини эшитиб роса хурсанд бўлгандик. Тушдигу, ўзимизни оппоқ, мусаффо қор капалаклари оғушида кўрдик. Истиқболимизга пешвоз чиққан дўстларнинг байрамона кайфиятлари, қучоқ очиб кутиб олишлари кўнглимизни янада кўтариб юборди. Худди аввалдан таниш қадрдон кишилар орасига тушиб қолгандай ҳис этдик, ўзимизни. Кўпчилик бизнинг она тилимиз — соф ҳиндийда гаплашишар, бу бизни яна ҳайратга соларди... Қизишиб кетиб "очиқ ҳаво"да «гуфтугў"га анча-мунча эрк берворган эканмиз, салқин ҳаво томоққа бироз таъсир этибди. Биласиз, созанда ўз созини қанчалик эҳтиётласа, қўшиқчи ҳам катта синов олдидан иссиқ-совуқдан ўзини асраши керак... Бунинг даъвоси мен учун газланмаган илиқ минерал сув!... Концерт давомида соқиёна тутилган "қадаҳ"дан икки-уч қултум ҳўплаб олишимни кўриб, кўпчилик ҳайрон бўлишгандир...

— Концерт чоғида ўзингизни жуда эркин тутишингиз, ҳатто томошабинларни ҳам жўровоз бўлиб куйлашга даъватингиз одатдаги "репертуар" услубингизми?

— Сизга айтсам, ҳар бир қўшиқчи "аудитория" деб аталувчи кўп сонли томошабинлар олдида энг аввало ўзни тута билиш маданиятига катта эътибор қаратмоғи керак. Айниқса, синашта бўлмаган "аудитория" олдида!... Мен ўзбек қўшиқ ихлосмандлари учун биринчи бор куйлашим эди... Энди "услуб"га келсак, буни менга илк концерт дастуриданоқ наманганликларнинг ўзлари бизда қадимда давом этиб келаётган халқона "услуб"га туширибқўйишди. Яъни томошабинни завқ-шавққа тўлиб, ҳаяжонли тасаннолар изҳор қилиб, руҳлантириб туриши, оҳангга эврилиб рақс тушиши қанчалик завқли! "Услуб"ни "ўзимизники"га менгзаб гапирдим. Аслида бу сизларда ҳам бор "услуб" экан. Буни Самарқанду Тошкентда намойиш этилган дастурларимиз чоғида ҳам гувоҳи бўлдим. "Санъат одамларни руҳан бир-бирига боғловчи сеҳрли тилсим", дердилар раҳматли отам. Халқларимиз ҳам табиатан, ҳам руҳан қанчалик бирбирига яқинлигини қаранг!

— Падари бузрукворингиз номини тилга олдингиз. Отангиз "илоҳий овоз соҳиби" эканликларини халқимиз яхши билади. Ҳалиҳануз у кишининг ҳузурбахш қўшиқлари жаранглаб эшитилмаган гўшани топиш қийин, бизда.

— Ўзбекистонда бир ҳафтадан зиёд яшаётган бўлсам, буни ўзим кўриб-билиб турибман. Ҳаяжондаман!

— Неча ёшдан бошлаб қўшиқ айта бошлагансиз? Бу соҳага киришингизга отангизнинг рағбатлари бўлганми?

— "Ота касб"ни мен машҳур Мукешнинг ўғли бўлганим учун эмас, санъатга мойиллик қонимда борми-йўқми синаб кўрмоқ учун 5-6 ёш чоғимдан ўзимча нималарнидир ҳиргойи қила бошлаганман. Отам билан "бўйлашиш"га уриниш етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Бироқ у киши овозимда қандайдир "шира" борлигини пайқаганлар чоғи, мусиқавий сабоқ олишимга йўлланма берганлар. Шу аснода қўшиқ айтиш машқини ҳам қила бошладим. Падарим бундан хабардор эдилар. Лекин "Отасига эргашмоқчи бўлибди-ю, эплолмабди" деган иснодли гап чиқиб қолишидан мени асрабми, узоқ вақт ҳофизлигим "сир"ини ҳеч кимга ошкор қилмаганлар. Бу ул зотнинг ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ғоят талабчан санъат соҳиби эканлигининг белгиси эди. Айтмоқчиманки, "расман" ашулачиликни отамни анча-мунча синовларидан ўтгач, бошлаганман.

— Қарийб бир ҳафта давом этган "Раж Капурни хотирлаб" номли дастурларни томоша қилган кўпчилик ҳамюртларимиз Рандҳир, Риши, Ражив Капурлар оталарига қанчалик ўхшашса, Нитин соҳибнинг овози ҳам Мукеш жи овозидай сарбаланд пардаларда жарангларкан, тасанно дейишмоқда!

— Ҳар бир айтган қўшиғимни олқишлаб чалинган қарсаклар шу гапларингизни исботи деб биламан. Бу ҳамюртларингиз — менинг бир неча кун мобайнида орттирган завқ-шавқли мухлисларим олдида елкамга янада масъулиятлироқ зиммадорлик вазифасини юклайди. Мен энди бу ердан олган ажойиб таассуротлар оғушида уларга интилиб яшайман. Меҳр-оқибатли, бағри очиқ, меҳмоннавоз ўзбек халқига Раж Капурдай инсоннинг бир умрга меҳри тушиб қолганича бор экан. Мен ҳам Ўзбекистонни севиб қолдим.

Репортаж

Кўпчилик бехабар нарса ҳақида сўровнома ўтказиш осон эмас экан. Айниқса, одамлар қандайдир ташвишлар билан шошиб, ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа ўтиб турган йўлда турсанг. Дастлабки учраган йўловчи "Hurriyat" мустақил газетасини биласизми?" деган саволга жавобан: "Йўғе, шунақа газета ҳам борми?" дейди. Табиийки, сен ҳам беихтиёр: "Йўғе, ҳали билмайсизми?" деб юборасан. Мана шу "йўғе-йўғе"лар йиғилиб охири ҳайратга айланади: наҳотки, шунча одам "Hurriyat"сиз яшаётган бўлса?! Газетага мухлисларини кўпайтириш имконияти ҳам, бунинг учун "забт этилмаган" аудитория ҳам кенг экан. Ҳарҳолда, энг мақбул ижобий хулоса шу.

"Ҳуррият?! Кимнинг қизи?"

юртдошларимиз орасида бизга шундай савол берганлар ҳам бўлди

Фаррух ЖАББОРОВ

Саволингга елкасини қисиш билан жавоб берадиганлар кўп бўлса, кейинги одамдан сўрашга ҳам тортинаркансан. Ахийри респондентларни саралаб, кўзга яқинларини безовта қилишга ўзимизда журъат топдик. Мана шу отахонни суҳбатга тортамиз, ахир газета сотгандан кейин "Hurriyat"ни билса керак.

— "Программа", кроссворд... газета олинг!

— "Hurriyat"ингиз борми?

— Нима?.. Йўқ.

— Нега?.. Йўқ?

— Чунки мендан ҳеч ким сўрамайди, шу... Лекин зўр газета. Ўзим ўқиб тураман, шу... "Hurriyat" "қорабозор"га чиқмайди. Устига устак "программа"сиям йўқ. Аммо-лекин танқидни боплайди, шу...

— Яна қандай муаммолар ҳақида танқидий мақолалар ўқишни хоҳлардингиз?

— Ўшатта ишлайсизми? Мелисаларни уриб чиқинглар, шу... Ука, газетани машҳур қиладиган "қорабозор"-да! У ёққа ҳам оп чиқинглар. Қанчадан берасилар, сотишга қарашворардим, шу...

Ўзингни ишонтирсанг, ҳамма ишинг ўнгидан келади дейишади-ку! Шундай экан, анов келаётган опа ҳам "Hurriyat" ҳақида билиши аниқ.

Инобат Аҳмедова (мактабгача таълим муассасаси мудири):

— "Hurriyat"ми? Улибманми, билмай. Отнинг қашқасидай танийман-да!

— Таниш-панишингизни уриб чиқмаганми? — дея ҳазиллашамиз.

— Уриб чиққан-да! Уриб чиққан. Бир ҳамкасбимиз бориди — боғча мудири. Ўшанинг боғчаси ҳақида катта мақола чиққан. Бу гапга анча йил бўлди. Кейин, исмини айтмай қўяверинг, ўша ҳамкасбимиз вилоятимизга келадиган ҳамма "Hurriyat"ни сотиб олиб қўйган, одамлар ўқимасин деб. Ўзиям заҳардай ёзишганда! Шунда билувдим, "Hurriyat" деган газет борлигини.

— Кейин ҳам газета билан танишиб бордингизми?

— Йўқ...

— Ия?! Нима учун?

— Ундан кейин боғча мудиралари ҳақида ёзишмагандир-да...

. . . (Нуқталар ўрнида жўялироқ жавоб беролмаган ёки буни хоҳламаган кишилар бор деб фараз қилинг).

Китоб, газета қўлтиқлаганча биз томон шошиғич юриб келаётган мана бу йигитлар талаба бўлса керак. "Тиш қокди"роғи ўзини таништирди:

Шуҳрат Абдусаломов (ЎзМУнинг фалсафа факультети талабаси).

— Қўлингиздаги "Hurriyat"ми, нима чиқибди?

— Янги сони эмас. Имижология ҳақида мақола чиққан экан, ўша сонини зўрға топдик. Шуни муҳокама қилиб кетаётгандик.

— "Hurriyat"ни қачондан бери ўқийсиз?

— Беш йил бўлди, чамамда. Ўқувчилик пайтимда Амир Темур ҳақида яхши мақола чиққанини эшитиб "Hurriyat"ни излаганман. Афсуски, киоскалардан тополмаганман. Кейин тарих ўқитувчимиз Ёркин акадан олиб "ксерокс" қилдирганман.

— Шу баҳона бўлиб газетага дўст тутиндингиз, шунақами?

— Тўғри. "Hurriyat"нинг менга ёққан томони тили эркин, кўпгина бошқа газеталарникига ўхшаб қотиб, бир хиллашиб қолмаган. Кўпчилик "Hurriyat" деса нуқул танқидлардан иборат газета деб ўйлашади. Йўқ, ундай эмас. Шахсан мен бу газетани фалсафий материаллар бериб борганлиги учун кўпроқ ҳурмат қиламан. "Hurriyat" менга Виктор Алимасовни танитди. У киши орқали дунё файласуфлари билан танишдим. Лекин охирги пайтларда домла газета саҳифаларида камнамо бўлиб қолди... Яна нима дейиш мумкин?

Боядан бери тингловчи бўлиб турган шериги нимадир демоқчи-ю, гапини тополмаётгандай ўнғайсизлана бошлади. Охири айтди-да, қўйди:

— Эркакчасини айтганда, "Hurriyat"нинг ўз позицияси бор. Ҳар бир мақоласида ўзига хос руҳ бор, айнан "Hurriyat"га тегишли экани сезилиб туради. Бошқаларига ўхшаб қиёфасини йўқотиб қўймаган.

— Исм-фамилиянгизни айтмадингиз.

— Улуғбек Маҳкамов.

. . .

— Газета ўқимас экансиз-да?

Мавлуда Воҳидова (шифокор):

— Нима, "Hurriyat"ни ўқимаса, умуман газета ўқимаган бўладими? Россия газеталаридай чиқинглар, биз сизларни ўқийлик.

Мурод Азимов (ўқитувчи):

— "Hurriyat"ни ҳурмат қиламан. Лекин узлуксиз ўқиб боролмайман. Сотувда жуда кам, киоскаларга саноқли келади. Обуна бўлай десанг фалон пул — ўзининг нархидан бир-икки баробар қимматга тушиб кетади. Яна ҳамма сони етиб келадимийўқми, Худо билади. Шунинг учун "Hurriyat"ни кўпроқ кутубхоналардан топиб ўқийман.

Наргиза Шораҳимова (уй бекаси):

— Реклама қивоссилар-у, газетанглани. Ўшани "эффект" бервоттими-йўқми, билмоқчимисилар? Кўрвобмиз, ҳар куни телевизорда.

Ҳа, айтганча, "Hurriyat" газетасини телевидение орқали қилинаётган реклама ҳам элга анча танитганини ўзаро суҳбатларда сезиш мумкин. Реклама газетани танитишга танитибди-ю, кўпчиликда "Hurriyat"дан "татиб" кўришга истак уйғота олмабди-да! Мусулмончилик ҳам астасекин, дейдилар.

Албатта, бу интервьюлардан "Ҳуррият"ни кўпчилик ўқимас экан деган хулосага келиш керак эмас. Зеро, газетанинг доимий ва содиқ мухлислари ҳам талайгина. Зотан, Франц Кафка айтганидек, "Материянинг тури атомдаги электронлар сонига қараб аниқланади. Омманинг савияси эса бир-икки нафар одамнинг онгига боғлиқ".

Яқин кўмакчимиз

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти

Бугунги замоннинг залворли, шиддатли оқими ҳар қандай касб эгаларидан ўз мутахассислиги бўйича илм ва тажрибаларни муттасил ошириб боришни, тинимсиз изланишларни талаб этмоқда.

Эндиликда биздан дунё мезонларига мос иш юритиш, тафаккур қилиш талаб қилинаётир. Модомики, биз ҳуқуқий давлат барпо қиларканмиз, туб ислоҳотлар ўтказилаётган бир даврда ҳуқуқий билимнинг сир-асрорларини, янги қонунлар моҳиятини тез илғаш, иш фаолиятимизда юксак даражада қўллашни талаб этади. Бу борада бизга энг яқин кўмакчи "Ҳуррият" газетасидир.

«Ҳуррият» газетаси мамлакатимиздаги барча журналистларнинг севимли минбари десам янглишмайман. Зеро, газетанинг ҳар бир сонида мамлакатимизнинг кўзга кўринган етакчи журналистлари, ҳуқуқшунос олимлари, ёзувчи, шоирлари, санъат арбоблари, спорт мутахассислари турли мавзуларда ўз мулоҳазаларини баён этадилар. Хусусан, газетанинг сўнгги йилларда-ги сонларида эълон қилинган жиноятчилик, экология ва қонун, хорижий давлатларда жиноятга қарши кураш тажрибалари, турли хил шартномалар тузишда қонуний меъёрларни сақлаш каби ўнлаб долзарб мавзулардаги мақолалар, таклиф ва мулоҳазалар, публицистикалар ҳар бир газетхон учун ниҳоятда фойдали бўлди.

Газетанинг ўтган ўн йилликдаги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, ҳуқуқий мавзуда ёзилган юзлаб мақолаларга кўзимиз тушади. Эътибор қилинг, уларнинг ҳар бири ортида қанча инсонлар тақдири, орзу-умидлари, келажаги турибди. Шунинг учун ҳам газета саҳифаларида ҳеч кўрқмасдан манаман деган бўйни йўғонларнинг, баъзи бир порахўр амалдорларнинг, адолатсиз судъяларнинг кирдикорлари фош этилди. Бу йўлда газетанинг судма-суд юрганларию баъзан турли маломатларга қолганидан ҳам бир муштарий сифатида хабаримиз бор. "Ҳуррият" шунинг учун ҳам халқимиз орасида жуда тез танилди ва ўзбек матбуотида ўзига хос мавқе эгаллади.

Назаримда, "Ҳуррият" газетаси ҳар бир журналистнинг иш столида бўлиши керак. Модомики, бугунги замон, тезкор давр биздан фаолиятимизни қай тарзда олиб боришни, нималарга эътибор қаратишимизни, журналистика соҳасидаги янгиликлардан ўз вақтида, батафсил хабардор бўлишни талаб қилаётган экан, бу борада бизга энг яқин кўмакчи севимли газетамиз — «Ҳуррият» бўлиб қолаверади.



Ушбу сонда эълон қилинган журналист ҳамкасбларнинг суратлари (шаржлар) муаллифи **Жаҳонги МИРЗО**

Ўзбекнинг гапи қизиқ

Хусанбой ТОЖИМАТОВ

Ёш келиннинг кўзига оқ авра тўн, ялтироқ калла, жун арқонга ўхшаган қош, чўткадай соқол, пўстакнинг йиртиғига ўхшаш оғиз, сап-сариқ сўйлоқ икки тиш – тўйи бўлган ўша куни кўриниб кетди.

("Келин-куёв шоуси"дан)

Мени гапга солманг, ҳозир ичимга гап тугул қил ҳам сиғмайди.

(Аразчининг гапи)

Шундай ДАН ходимлари ҳам борки, уларнинг оғзидан мушук кириб, кучук чиқади.

(Ҳайдовчилар суҳбатидан)

Мулозим мўйлов деганлари танноз ойимчаларнинг қошидай ингичка терилган мўйлов бўлиб, ҳозирда истеъмолдан қолиб кетган.

(Сартарош ахбороти)

Бадиа

Чорбоғим энам

Йиллар, йиллар сиздан айёр ғаним йўқ: кун-кун сайин кўҳна деворлардайин нураб бораётганингни билардим-ку?..
Бир ҳовучгина бўлиб, кичрайиб, қариб бораётганингни кўрардим-ку?..
Ўн битта болани тупроққа қўйиб,
Ерларни тўйдириб, қизартган Бардош.
Тош-тақир дунёда шунча кўп ғамни ютиб яшаган энам.
Шаҳарларда сарсон кезган нодонни — мени кутиб яшаган энам!..

Саъдина БОБОМУРОДОВА

Бир ақлим кириб, талабаликнинг биринчи стипендиясидан янги пайпоқ олиб бордим. Пайпоқни ушлаб туриб қолдингиз.

— Ҳозир кийиб олинг, сиз жа-а хайрсаховатни кўп қиласиз-да! Кимгадир бериб юборасиз дарров!

— Майли, болам, фақат шуни сен авал бир-икки кийиб бер-да...

— Нима, кичкинами?

— Йўғ-а, болам мен отанг ўлгандан сўнг янги кийим кийишга уялардим. Ўзимча, яна одамлар: «Фалончи эри ўлиб, янги кийимлар кийиб олибди», деса, шу ёмонгина болаларимнинг боши ерга қарамасин, деганман-да. Шу-шу, ҳалиям одат бўлиб қолган-да, ийманаман.

... Отам қазо қилганига эса ўттиз тўрт йил бўлибди. Ўттиз тўрт йил-а?!

Гулбеорлар гулламаган покиза бўстоним Энам!..

Қишлоқнинг тенг ярмига доя бўлган,
Дардларига малҳам, ҳимоя бўлган,
Ташна юракларга сув, соя бўлган,
Катта бир элга суянч — қоя бўлган,

"Бахши момом", шоирим — достоним энам!..

"Кўзимни очсам, Ҳулкар оғиб, эндигина Тарозига таяниб турган экан; янги ой Чўлпонга қарамай, чалқанча туғибди-я, илоё яхшиликка... Тўғалнинг пориллаб туришини қара! Худди шундай кунларда Тўғалбой тоғанг туғилган эди. Шунгаям сал-кам етмиш йил ўтибди-я..."

Юлдузларни бир-бир билган, осмоним энам!..

Энам сизга ўхшарди, Тоғлар!

"Қўй, совуқмас, Тошохурнинг шамолида бир пас ўтирай. Ў... арчаларнинг исини-я...— Энам бир энтикиб, хўрсиниб қўярди, — Паймарт — тоғдан пастда, Такалисойда уйимиз бўларди..."

Онамга сени, болалик юртини бир кўрсатмоқчийдим, Пойимард. Кечикдим... Дилгинамни армон ўяр, ўй ўяр.

Саксон саккиз йил юраги доғу, орияти тоғ бўлиб яшаган, Арчали тоғим энам!..

Энам сенга ўхшарди, Дарё!

Шамол учириб келган кичкина бир уруғниям авайлаб олларди. "Экамиз-да, — дерди. — Бурноғи йилги бодом-ёнғоқларнинг ҳаммаси амал олди. "Атлас" олмалар ҳам ҳосилга кириб, мана учи-қуйруғи йўқ боғ бўлди-қолди. Бориб, кўриб келмайсанми?.. "

Тонг аро бу "учи-қуйруғи йўқ боғ" аро юраман. Ҳар япроқ, ҳар гул кўзида шабнам — ёш кўраман. Катта боғ ғамгин шовуллайди. Сиз бирла энди, катта бир Давр ҳам ўтганини айтиб йиғлайди. Йиғлайди. Йиғлаяпти, ҳатто мева тўла боғим, энам!..

Бир хушбўй гуллаган, жийдазор, бодомзор, олмазорлар оралаб, марзага етаман. Пастда — барглари орасида ҳали яшил олмаларни оғушлаб турган олмазорга тикилиб, ич-ичимдан чексиз фахр, ҳам поёнсиз фарёд туяман:

Сиз бундан-да беҳиштий боғларни билармидингиз, нега Қўҳиқоф ёқларга кетиб қолдингиз, чорбоғим энам?!

OZINGNI ANGLA!

HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.

Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ислом СУЛТОНОВ, Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 00

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г - 1455 Т: 2059 2 3 4 5 6